


IRRIGATSIYA va MELIORATSIYA

№3-4(29-30).2022

*Journal of Irrigation
and Melioration*



Бош муҳаррир:

Султанов Тахиржон Закирович
“Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти”
Миллий тадқиқот университети
Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, техника фанлари доктори, профессор

Илмий муҳаррир:

Салоҳиддинов Абдулҳаким Темирхўжаевич
“Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти”
Миллий тадқиқот университети
Халқаро ҳамкорлик бўйича проректори, техника фанлари доктори, профессор

Муҳаррир:

Ходжаев Сайдакрам Сайдалиевич
“Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти”
Миллий тадқиқот университети, техника фанлари номзоди, доцент

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ ТАРКИБИ:

Мирзаев Б.С., техника фанлари доктори, профессор, “ТИҚХММИ” МТУ ректори; **Хамраев Ш.Р.**, кишлоқ хўжалик фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири; **Ишанов Х.Х.**, техника фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси; **Салимов О.У.**, техника фанлари доктори, ЎзРФА академиги; **Мирсаидов М.**, техника фанлари доктори, ЎзРФА академиги; **Хамидов М.Х.**, кишлоқ хўжалик фанлари доктори, “ТИҚХММИ” МТУ профессори; **Бакиев М.Р.**, техника фанлари доктори, “ТИҚХММИ” МТУ профессори; **Рамазанов О.Р.**, кишлоқ хўжалик фанлари доктори, “ТИҚХММИ” МТУ профессори; **Исаков А.Ж.**, техника фанлари доктори, “ТИҚХММИ” МТУ профессори; **Арифжанов А.М.**, техника фанлари доктори, “ТИҚХММИ” МТУ профессори; **Маткаримов П.Ж.**, техника фанлари доктори, НМТИ профессори; **Икрамов Р.К.**, техника фанлари доктори, ИСМИТИ профессори; **Шеров А.Г.**, техника фанлари доктори, “ТИҚХММИ” МТУ профессори; **Умаров С.Р.**, иқтисод фанлари доктори, “ТИҚХММИ” МТУ профессори; **Исмаилова З.**, педагогика фанлари доктори, “ТИҚХММИ” МТУ профессори; **Худаяров Б.**, техника фанлари доктори, “ТИҚХММИ” МТУ профессори; **Султанов Б.**, “ТИҚХММИ” МТУ профессори; **Абдуллаев Б.Д.**, “ТИҚХММИ” МТУ профессори; **Каримов Б.К.**, “ТИҚХММИ” МТУ профессори; **Худойбердиев Т.С.**, техника фанлари доктори, АндҚХАИ профессори; **Янгиев А.А.**, техника фанлари доктори, “ТИҚХММИ” МТУ профессори.

ТАҲРИР КЕНГАШИ ТАРКИБИ:

Ватин Николай Иванович, т.ф.д., Буюк Пётр Санкт-Петербург политехника университети профессори; **Иванов Юрий Григорьевич**, т.ф.д., К.А. Тимирязев номидаги МҚХА – Россия давлат аграр университети профессори, А.Н.Костяков номидаги Мелиорация, сув хўжалиги ва қурилиш институти директори в.б.; **Козлов Дмитрий Вячеславович**, т.ф.д., Москва давлат қурилиш университети профессори, Гидротехника ва Гидроэнергетика қурилиши факультетининг “Гидравлика ва Гидротехника қурилиши” кафедраси мудири; **Lubos Jurik**, associate professor at “Department of Water Resources and Environmental Engineering” of Slovak University of Agriculture in Nitra; **Коваленко Петр Иванович**, т.ф.д., Украина кишлоқ хўжалиги фанлари Миллий академияси академиги, Мелиорация ва сув ресурслари илмий-тадқиқот институти директор маслаҳатчиси, профессор; **Ханов Нартмир Владимирович**, профессор, К.А.Тимирязев номидаги МҚХА – Россия давлат аграр университетининг “Гидротехника иншоотлари” кафедраси мудири; **Krishna Chandra Prasad Sah**, PhD, M.E., B.E. (Civil Engineering), M.A. (Sociology) Irrigation and Water Resources Specialist. Director: Chandra Engineering Consultants, Mills Area, Janakpur, Nepal; **Айнабеков Алпысбай Иманкулович** – т.ф.д., М.Ауезов номидаги Жанубий-Қозоғистон давлат университетининг “Механика ва машинасозлик” кафедраси профессори. **Элдиар Дилятов** – PhD, Миллий Фанлар Академияси Геология институти тадқиқотчи олим, Қирғизистон. **Гисела Домеж** – Милан-Бикокка университети, Ер ва атроф-муҳит фанлари кафедраси профессори, Италия. **Молдамуратов Жангазы Нуржанович** – PhD, М.Х.Дулати номидаги Тараз минтақавий университети, “Материаллар ишлаб чиқариш ва қурилиш” кафедраси мудири, доцент, Қозоғистон. **Муминов Абулкосим Оманкулович** – география фанлари номзоди, Тожикистон Миллий университети Физика факультети метеорология ва иқлимшунослик кафедраси катта ўқитувчиси. Тожикистон. **Мирзохонова Ситора Олтибоевна** – техника фанлари номзоди, Физика факультети метеорология ва иқлимшунослик кафедраси катта ўқитувчиси. Тожикистон Миллий Университети. Тожикистон. **Исмаил Мондиал** – Калкутта университети Хорижий докторантура факультети профессори, Хиндистон. **Исанова Гулнора Толегеновна** – PhD, У.У. Успанов номидаги Тупроқшунослик ва Агроқимё ИТИ “Тупроқ экологияси” кафедраси доценти, етакчи илмий ходим, Қозоғистон. **Комиссаров Михаил** – PhD, Уфа Биология институти, Тупроқшунослик лабораторияси катта илмий ходими, Россия. **Аяд М. Фадхил Ал-Қурайши** – PhD, Тишк халқаро университети, Муҳандислик факультети, Фуқаролик муҳандислиги бўлими профессори, Ироқ. **Ундрақш-Од Баатар** – Марказий Осиё Тупроқшунослик жамияти раҳбари, профессор, Монголия.

Муассис: “Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” МТУ.

Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори-Ниёзий, 39. <https://uzjournals.edu.uz/tiame/> E-mail: i_m_jurnal@tiame.uz

«Irrigatsiya va Melioratsiya» журнали илмий-амалий, аграр-иқтисодий соҳага ихтисослашган.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2015 йил 4 мартда 0845-рақам билан рўйхатга олинган.

Обуна индекси: 1285.

Дизайнер: Маликова Мадинахон



Журнал «SILVER STAR PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Иброҳим Ота кўчаси, 3226-уй. Буюртма №30. Адади 400 нуска.

Главный редактор:
Султанов Тахиржон Закирович
доктор технических наук, профессор,
проректор по научной работе и инновациям
Национальный исследовательский университет
“Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства”

Научный редактор:
Салохиддинов Абдулхаким Темирхужаевич
доктор технических наук, профессор,
проректор по международному сотрудничеству
Национальный исследовательский университет
“Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства”

Редактор:
Ходжаев Сайдакрам Сайдалиевич
кандидат технических наук, доцент,
Национальный исследовательский университет
“Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства”

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Мирзаев Б.С., доктор технических наук, профессор, ректор НИУ “ТИИИМСХ”; **Хамраев Ш.Р.**, кандидат технических наук, Министр водного хозяйства Республики Узбекистан; **Ишанов Х.Х.**, кандидат технических наук, главный специалист Кабинета Министров Республики Узбекистан; **Салимов О.У.**, доктор технических наук, академик АНРУз; **Мирсаидов М.**, доктор технических наук, академик АНРУз; **Хамидов М.Х.**, доктор сельскохозяйственных наук, профессор НИУ “ТИИИМСХ”; **Бакиев М.Р.**, доктор технических наук, профессор НИУ “ТИИИМСХ”; **Рамазанов О.Р.**, доктор сельскохозяйственных наук, профессор НИУ “ТИИИМСХ”; **Исаков А.Ж.**, доктор технических наук, профессор НИУ “ТИИИМСХ”; **Арифжанов А.М.**, доктор технических наук, профессор НИУ “ТИИИМСХ”; **Маткаримов П.Ж.**, доктор технических наук, профессор НИТИ; **Икрамов Р.К.**, доктор технических наук, профессор НИИИВП; **Шеров А.Г.**, доктор технических наук, профессор НИУ “ТИИИМСХ”; **Умаров С.Р.**, доктор экономических наук, профессор НИУ “ТИИИМСХ”; **Исмаилова З.**, доктор педагогических наук, профессор НИУ “ТИИИМСХ”; **Худаяров Б.**, доктор технических наук, профессор НИУ “ТИИИМСХ”; **Султанов Б.**, доктор экономических наук, профессор НИУ “ТИИИМСХ”; **Абдуллаев Б.Д.**, профессор НИУ “ТИИИМСХ”; **Каримов Б.К.**, профессор НИУ “ТИИИМСХ”; **Худойбердиев Т.С.**, доктор технических наук, профессор АндИСХА; **Янгиев А.А.**, доктор технических наук, профессор НИУ “ТИИИМСХ”.

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

Ватин Николай Иванович, д.т.н., профессор Санкт-Петербургского политехнического университета Петра Великого, (Россия); **Иванов Юрий Григорьевич**, д.т.н., профессор Российского государственного аграрного университета МСХА имени К.А.Тимирязева, и.о. директора института Мелиорации, водного хозяйства и строительства имени А.Н.Костякова, (Россия); **Козлов Дмитрий Вячеславович**, д.т.н., профессор, заведующий кафедры “Гидравлика и гидротехническое строительство” факультета гидротехнического и гидроэнергетического строительства, (Россия) Московского государственного строительного университета; **Lubos Jurik**, associate professor at “Department of Water Resources and Environmental Engineering” of Slovak University of Agriculture in Nitra; **Коваленко Петр Иванович**, д.т.н., профессор, Академик Национальной академии сельскохозяйственных наук Украины, Советник директора Научно-исследовательского института Мелиорации и водных ресурсов; **Ханов Нартмир Владимирович**, профессор, заведующий кафедрой “Гидротехнические сооружения” ФГБОУ ВО РГАУ -МСХА имени К.А.Тимирязева; **Krishna Chandra Prasad Sah**, PhD, M.E., B.E. (Civil Engineering), M.A. (Sociology) Irrigation and Water Resources Specialist. Director: Chandra Engineering Consultants, Mills Area, Janakpur, Nepal; **Айнабеков Алпысбай Иманкулович**, д.т.н., профессор кафедры “Механика и машиностроение” Южно-Казахстанского государственного университета им. М.Ауезова; **Элдиар Дилятов**, PhD, научный сотрудник Института геологии Национальной академии наук Кыргызстана; **Гисела Домеж**, Университет Милана-Бикокка, профессор наук о Земле и окружающей среде, Италия; **Молдамуратов Жангазы Нуржанович**, PhD, Таразский региональный университет имени М.Х.Дулати, заведующий кафедрой «Материалопроизводство и строительство», доцент, Казахстан; **Муминов Абулкосим Оманкулович**, Кандидат географических наук, старший преподаватель кафедры метеорологии и климатологии физического факультета Национального университета Таджикистана. Таджикистан; **Мирзохонова Ситора Олтибоевна**, кандидат технических наук, старший преподаватель кафедры метеорологии и климатологии физического факультета. Национальный университет Таджикистана. Таджикистан; **Исмаил Мондиал**, профессор факультета иностранных докторантов Калькутского университета, Индия; **Исанова Гулнора Толегеновна**, PhD, доцент кафедры экологии почв НИИ почвоведения и агрохимии им. Ю.У.Успанова, ведущий научный сотрудник, Казахстан; **Комиссаров Михаил**, PhD, Уфимский биологический институт, старший научный сотрудник лаборатории почвоведения, Россия; **Аяд М. Фадхил Ал-Кураиши**, PhD, Тишский международный университет, инженерный факультет, профессор гражданского строительства, Ирак; **Ундракш-Од Баатар**, председатель Центральноазиатского общества почвоведов, профессор, Монголия.

Учредитель: НИУ “Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства”.

Наш адрес: 100000, г. Ташкент, улица Кары - Ниязий, 39. <https://uzjournals.edu.uz/tiame/> E-mail: i_m_jurnal@tiame.uz

Журнал «Irrigatsiya va Melioratsiya» специализируется в научно-практической, аграрно-экономической сферах.

Журнал зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 4 марта 2015 года за № 0845.

Индекс подписки: 1285.

Дизайнер: Маликова Мадинахон



Журнал изготовлен в ООО «SILVER STAR PRINT».

Адрес: город Ташкент, Алмазарский район, улица Ибрагима Ота, дом 3226. Заказ № 30. Тираж 400 экземпляров.

Chief Editor:

Sultanov Takhirjon

Vice-rector for scientific researches and innovations

Professor at "Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers"
National Research University, Doctor of technical sciences

Scientific Editor:

Salohiddinov Abdulkhakim

Vice-rector for international cooperation

Professor at "Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers"
National Research University, Doctor of technical sciences

Editor:

Hodjaev Saidakram

Associate professor at "Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers"
National Research University, Candidate of technical sciences

EDITORIAL TEAM:

Mirzaev B., doctor of technical sciences, professor, rector of "TIAME" NRU; **Khamraev Sh.**, candidate of technical sciences, minister of the Water Resources of the Republic of Uzbekistan; **Ishanov H.**, candidate of technical sciences, chief specialist Cabinet Ministers of the Republic of Uzbekistan; **Salimov O.**, doctor of technical sciences academician of ASRUz; **Mirsaidov M.**, doctor of technical sciences academician of ASRUz; **Khamidov M.**, doctor of agricultural sciences, professor "TIAME" NRU; **Bakiev M.**, doctor of technical sciences, professor "TIAME" NRU; **Ramazanov O.**, doctor of agricultural sciences, professor "TIAME" NRU; **Isakov A.**, doctor of technical sciences, professor "TIAME" NRU; **Arifjanov A.**, doctor of technical sciences, professor "TIAME" NRU; **Matkarimov P.J.**, doctor of technical sciences, professor NETI; **Ikramov R.**, doctor of technical sciences, professor SRIIWP; **Sherov A.**, doctor of technical sciences, professor "TIAME" NRU; **Umarov S.**, doctor of economic sciences, professor "TIAME" NRU; **Ismailova Z.**, doctor of pedagogical sciences, professor "TIAME" NRU; **Khudayarov B.**, doctor of technical sciences, professor "TIAME" NRU; **Sultonov B.**, professor "TIAME" NRU; **Abdullaev B.D.**, professor "TIAME" NRU; **Karimov B.K.**, professor "TIAME" NRU; **Xudoyberdiyev T.S.**, professor Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies; **Yangiev A.A.**, doctor of technical sciences, professor "TIAME" NRU;

EDITORIAL COUNCIL:

Vatin Nikolay Ivanovich, doctor of technical sciences, professor Peter the Great St. Petersburg Polytechnic University, (Russia); **Ivanov Yuriy Grigorievich**, doctor of technical sciences, professor Russian State Agrarian University - Moscow Timiryazev Agricultural Academy, executive director of Engineering and Land Reclamation named after A.N. Kostyakov (Russia); **Kozlov Dmitriy Vyacheslavovich**, doctor of technical sciences, professor Moscow State University of Civil Engineering – Head of the Department Hydraulics and Hydraulic Engineering Construction of the Institute of Hydraulic Engineering and Hydropower Engineering, (Russia); **Lubos Jurik**, associate professor at "Department of Water Resources and Environmental Engineering" of Slovak University of Agriculture in Nitra; **Kovalenko Petr Ivanovich**, doctor of technical sciences, Academician of the National Academy of Agricultural Sciences of Ukraine, Advisor to the Director of the Research Institute of Melioration and Water Resources, Professor; **Xanov Nartmir Vladimirovich**, professor, Head of the Department of Hydraulic Structures RSAU – MAA named after K.A.Timiryazev; **Krishna Chandra Prasad Sah**, PhD, M.E., B.E. (Civil Engineering), M.A. (Sociology) Irrigation and Water Resources Specialist. Director: Chandra Engineering Consultants, Mills Area, Janakpur, Nepal. **Ainabekov Alpysbay Imankulovich**, doctor of technical sciences, professor of the Department Mechanics and mechanical engineering, South Kazakhstan State University named after M.Auezov; **Eldiir Duulatov**, PhD, Researcher at the Institute of Geology of the National Academy Sciences of Kyrgyzstan. **Gisela Domej**, University of Milan-Bicocca, Professor of Department of Earth and Environmental Sciences, Italy; **Moldamuratov Jangazy Nurjanovich**, PhD, Taraz Regional University named after M.Kh. Dulati, Head of the Department of Material Production and Construction, Associate Professor, Kazakhstan; **Muminov Abulkosim Omankulovich**, Candidate of Geographical Sciences, Senior Lecturer, Department of Meteorology and Climatology, Faculty of Physics, National University of Tajikistan. Tajikistan; **Mirzoxonova Sitara Oltiboevna**, Candidate of Technical Sciences, Senior Lecturer, Department of Meteorology and Climatology, Faculty of Physics. National University of Tajikistan. Tajikistan. **Ismail Mondial**, Professor at the Department of Foreign Doctoral Students, Calcutta University, India; **Isanova Gulnura Tolegenovna**, PhD, Associate Professor, Department of Soil Ecology, Research Institute of Soil Science and Agrochemistry. Yu.U.Uspanova, Leading Researcher, Kazakhstan; **Komissarov Mixail**, PhD, Ufa Biological Institute, Senior Researcher, Laboratory of Soil Science, Russia; **Ayad M. Fadxil Al-Quraishi**, PhD, Tish International University, Faculty of Engineering, Professor of Civil Engineering, Iraq; **Undrakh-Od Baatar**, Chairman of the Central Asian Society of Soil Scientists, professor, Mongolia;

Founder: "Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers" National Research University.

Our address: 39, Kari-Niyazi str., Tashkent 100000 Uzbekistan <https://uzjournals.edu.uz/tiame/> E-mail: i_m_jurnal@tiame.uz

The journal of "Irrigatsiya va Melioratsiya" specializes in scientific-practical, agrarian and economic spheres.

The journal was registered by the Uzbek Agency for Press and Information on March 4, 2015, under № 0845.

Subscription index is 1285.

Desingner: Malikova Madinakhon



The journal was published by LLC SILVER STAR PRINT.

Address: Tashkent city, Almazor district, Ibrahim Ota street, 322b. Order № 30. The number is 400 copies.

ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ

А.М.Арифжанов, С.Н.Хошимов Сув омборининг гидравлик параметрларини аниқлашда замонавий ёндашув	6
А.М.Фатхуллоев, Д.Ш.Аллаёров, М.Ю.Отахонов, Д.Аллаёрова, К.Нариманов Бетон призматик каналларнинг гидравлик параметрлари ҳисобини такомиллаштириш.....	12
А.Фатхуллоев, Д.Абдураимова, М.Отахонов, Д.Аллаёров Сув тежовчи технологиялар қўлланилган майдонларда коллектор-дренаж тизимларига бўладиган юкломани баҳолаш.....	18
А.Арифжанов, Т.Калетова, К.Жалилова Evaluation of the discharge coefficient's effect on water distribution in the sprinkler irrigation system	24
М.Икрамова, И.Ахмедходжаева, А.Ходжиев Динамика заиления руслового водохранилища тюямуюнского гидроузла.....	32
Б.К.Салиев, Э.И.Бердиёров, М.О.Рўзиев Фарғона вилоятининг атроф-ҳудудларидан келаётган ер ости сувлари балансини аниқлаш.....	38

ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИ ВА НАСОС СТАНЦИЯЛАР

О.Я.Гловацкий, Р.Р.Эргашев, Б.Хамдамов, Б.Т.Холбутаев, А.С.Газарян Использование регуляторов потока при управлении режимами ирригационных насосных станций	44
Г.А.Кадилова Авторегулятор уровня воды для каналов параболического сечения и его пропускная способность	50
Г.А.Кадилова Авторегулятор уровня воды с гибкими рабочими органами для перегораживающих сооружений на каналах и его пропускная способность	58
Б.Б.Хасанов, М.З.Раджабов Физическая модификация бетонной смеси и бетона в процессе виброударного прессования.....	68

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ

Т.С.Худойбердиев, А.М.Абдуманнопов Ўқейсимон панжанинг кенглиги ва ишлов бериш чуқурлигини унинг тортишга бўлган қаршилигига таъсири.....	74
Б.Худаяров, У.Қузиёв Ўзапояни эгилтирадиган кучни унинг морфологияси ва эгилтиргичга боғлиқлиги.....	78

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ

А.А.Турдибаев, Н.А.Айтбаев, Д.М.Акбаров Электрогидравлик эффект ёрдамида сувни зарарсизлантириш ва ўсимликлар учун сувдаги озуқа миқдорини кўпайтириш усули.....	84
М.Ибрагимов, Д.М.Акбаров Analysis of diagnostics and protection methods of asynchronous motors used in agriculture, by vibro-indicators.....	90

СУВ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИ ВА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

Ш.Рахмонов, И.О.Бозоров Тошкент вилоятининг ер қопламидаги ўзгаришларини масофадан зондлаш орқали аниқлаш.....	94
А.С.Чертовичский Задачи факультета по развитию отрасли землепользования в Республике.....	100

ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Ш.Хамроев Сув дипломатияси: Марказий Осиё минтақасида ундан фойдаланишнинг самарали ечими.....	106
Т.З.Султанов 80-летний юбилей профессора Чертовичского Александра Степановича.....	110

УЎТ: 627.8 : 556.555.6

СУВ ОМБОРИНИНГ ГИДРАВЛИК ПАРАМЕТРЛАРИНИ АНИҚЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

А.М.Арифжанов – т.ф.д., профессор, С.Н.Хошимов – PhD., катта ўқитувчи

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети

Аннотация

Мақолада ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлган сув омборларини фойдали ҳажми ўзгаришини технологиялардан фойдаланиб аниқлаш усули бўйича тадқиқотлар таҳлили келтирилган. Ўзан сув омборлари фойдали ҳажми жадал равишда қисқаради, шунинг учун ўзан сув омборларида ҳар беш йил муддатда батометрик тадқиқотлар ўтказиш талаб этилади. Фойдали ҳажм ўзгаришини ўрганишда тадқиқот объекти узунлиги бўйича характерли створлар белгилаб олинган. Ҳар бир характерли створларда “SonTek S5” маркали доплер ёрдамида ўлчов ишлари амалга оширилган ва сув омбори гидравлик параметрлари ўлчаб олинган. Дала тадқиқотларида ўлчаб олинган маълумотлар асосида сув омборининг гидравлик параметрларига аниқлик киритилган ҳамда уларни қайта ишлаб, сув омборининг узоқ йиллик статистик маълумотлари ва лойихавий параметрлари билан солиштириш орқали сув омборидаги мавжуд лойқа чўкиндилар миқдори тўғрисида хулосалар қилинган. Таҳлил натижалари асосида сув омборида ярим асрлик эксплуатация даврида юқори бьеф бўйлаб 9,12 млн. м³ лойқа чўкиндилар чўкиб қолгани аниқланди. Сув омборининг умумий ҳажми 30 млн. м³ бўлиб, сув омбори ҳажмининг қарийб 30 фоиздан кўпроқ қисми лойқага тўлгани маълум бўлди. Иншоотни хавфсиз бошқариш учун зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Таянч сўзлар: сув омбори, ўзан, оқим, бьеф, тўғон, лойқа-чўкиндилар, фойдали ҳажм, сув сатҳи, ўлик ҳажми.

СОВРЕМЕННЫЙ ПОДХОД К ОПРЕДЕЛЕНИЮ ГИДРАВЛИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ ВОДОХРАНИЛИЩА

А.М.Арифжанов – д.т.н., профессор, С.Н.Хошимов – PhD., старший преподаватель.

Национальный исследовательский университет “Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства”

Аннотация

В статье представлен анализ исследований с применением технологии определения изменения полезного объема водохранилищ, что является одной из актуальных проблем современности. Полезный объем русловых водохранилищ постоянно снижается, поэтому каждые пять лет требуются батометрические исследования русловых водохранилищ. При изучении изменения полезного объема выявлены характерные створы по длине объекта исследования. Измерения проводились с помощью доплера SonTek S5, измерялись также гидравлические параметры пласта. На основе данных замеров в ходе полевых исследований уточнены гидравлические параметры водохранилища и проведена их обработка, чтобы сделать выводы о количестве мутных отложений, присутствующих в водохранилище, путем сопоставления их с многолетними статистическими данными и расчетными параметрами водохранилища. По результатам анализа установлено, что за полвека эксплуатации в водохранилище осело 9,12 млн. м³ мутных отложений. Общий объем водохранилища составляет 30 млн. м³, и более 30% объема водохранилища заполнено илом. Было отмечено, что должны быть разработаны необходимые меры для безопасного управления объектом.

Ключевые слова: водохранилище, русло, поток, бьеф, плотина, наносы, полезный объем, уровень воды, мертвый объем.

A MODERN APPROACH TO DETERMINING THE HYDRAULIC PARAMETERS OF A RESERVOIR

A.M.Arifjanov – d.s.c., professor, S.N.Xoshimov – PhD., senior lecturer

“Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers” National research university

Abstract

The article presents an analysis of studies on the methodology for determining the change in the useful volume of tanks using technology, which is one of the urgent problems of our time. The useful capacity of the Uzen reservoirs is rapidly declining, so bathometric surveys of the Uzen reservoirs are required every five years. When studying the change in useful volume, characteristic stumps were identified along the length of the object of study. Measurements were taken with a SonTek S5 doppler and reservoir hydraulic parameters were measured in each of the representative reservoirs. Based on the measurement data during the field studies, the hydraulic parameters of the reservoir were refined and processed to draw conclusions about the amount of turbid sediments present in the reservoir by comparing them with long-term statistical data and calculated parameters of the reservoir. Based on the results of the analysis, it was found that over half a century of operation, 9.12 million m³ of muddy sediments settled in the reservoir. The total volume of the reservoir is 30 million m³, and more than 30% of the reservoir volume is filled with silt. It was noted that the necessary measures should be developed for the safe management of the facility.

Key words: reservoir, channels, stream, b'ef, dam, silt load, usable volume, water level, dead volume.


Кириш. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида, кўплаб сув омборлари бунёд этилган бўлиб, улар захирасидаги сувдан самарали, тежаб-тергаб фойдаланиш, вегетация даврида истеъмолчиларни бир маромда сув билан таъминлаш, фойдали ҳажмини ва гидротехника иншоотларининг мустаҳкамлигини ошириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади [1]. Мана шундай факторларни эътиборга олиб, сув омборлари эксплуатацион ишончилигини ошириш, улардаги гидротехника иншоотларининг гидравлик мустаҳкамлигини таъминлаш ҳамда уларнинг фойдали ҳажмини ҳисоблаш усуллари такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади [2].

Бу соҳаларнинг мамлакатимиз иқтисодийотидаги аҳамияти эътиборга олинди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини 2020–2030 йилларда ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унга кўра, ўрта ва узоқ муддатда республикада сув ресурсларини самарали бошқариш ва сувдан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, шунингдек, соҳада илм-фан салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали мамлакатнинг сув ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини ва иқтисодийотнинг барча тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ҳўжалигига бозор тамойиллари ва механизмларини ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, сув ҳўжалиги объектларининг ишончли ишлашини таъминлаш ҳамда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди [1, 3]. Хусусан, қишлоқ ҳўжалигининг жадал ривожланиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши сув ресурслари истеъмолининг ортиб боришига олиб келмоқда. Шунинг учун юртимизда сув омборларини қуриш, уларнинг эксплуатация даврини узайтириш, сув ресурсларини тежаш, мавжуд сув ресурсларидан оқилона, самарали фойдаланиш ҳаётий заруратга айланиб бормоқда [4, 5].

Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгариши натижасида даврий равишда кузатилаётган сув танқислиги сабабли вегетация даврида қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида бирмунча қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Шундай экан сув омборлари иш режимини такомиллаштириш, гидравлик жиҳатдан эксплуатацион ишончилигини ошириш, лойқа босиш натижасида сув омбори фойдали сиғими қисқаришининг олдини олиш ҳамда суғориш тармоқларида сув сарфи ҳисобини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади [6, 7].

Адабиётлар таҳлили ва масаланинг қўйилиши. Маълумки, сув омборлари халқ ҳўжалигидаги бир қанча тармоқлар (суғориш, сув таъминоти, электр энергияси, кемачилик, балиқчилик, тошқинларга қарши курашиш ва бошқ.) эҳтиёжини қондиради. Сув омбори оқимни фаслар ва йиллар бўйича тартибга солиди, канал ва бошқа сув ўтказиш иншоотлари билан бирга оқимни ҳудудлар бўйлаб қайта тақсимлашга имконият яратади [7, 8]. Табиий дала тадқиқотлари “Чортоқ” сув омборида олиб борилди (1-расм).

Олиб борилган изланишлар натижасида сув омборида, йиллар давомидаги экологик ўзгаришлар ҳамда атмосфера ёғинлари натижасида иншоотнинг юқори бьефида лойқа чўкинди ётқиқиқлари миқдори кескин ортиб бораётганлиги, сув сарфи ҳисобини юритишда ноаниқликлар юзага келаётганлиги маълум бўлди [9, 10]. Мана шундай салбий ўзгаришлар туфайли сув омборининг фойдали



1-расм. Тадқиқот объектида характерли створларнинг белги-ланиши

ҳажми қисқариб, фойдаланиш самарадорлиги пасайиб бормоқда ҳамда аҳоли ва қишлоқ ҳўжалиги объектлари хавфсизлигига таъсири ортиб бораётгани маълум бўлди. Бу эса сув омбори фойдали ҳажмини аниқ баҳолаш ҳамда сув сарфи ҳисобини тўғри юритиш каби муаммолар ечимини бугунги замонавий ўлчов воситалари орқали аниқлашни тақозо этмоқда [11, 12].

Тадқиқот усули (услуглари). Сув омборлари қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларини сув билан узлуксиз таъминлаб беради. “Чортоқ” сув омборининг фойдали ҳажмини ҳисоблаш учун вегетация яқунлангандан сўнг замонавий ўлчов воситаси ёрдамида тадқиқот ишлари олиб борилди [3]. Дала тадқиқотларида аниқланган натижаларни қайта ишлаш ҳамда сув омборининг лойиҳавий параметрлари ва узоқ йиллик маълумотларни таққослаш орқали сув омборининг фойдали ҳажми таҳлил қилинди. Сув омборида тадқиқот олиб бориш учун “Son Tek - RiverSurveyor S5” маркали доплердан фойдаланилди (2-расм).



2-расм. SonTek - RiverSurveyor S5 ва M9 маркали доплер

“Son Tek - RiverSurveyor S5” маркали доплер бешта асосий элементдан иборат: “RiverSurveyor S5” доплер нуруни тарқатувчи восита, электрон дастурий таъминот, доплер маҳкамлангандиган қайиқ, GPS сигналларини тарқатувчи ва қабул қилувчи адаптер (антенна) ва қувват манбаи ҳисобланади.

Юқоридаги параметрларга эътибор берадиган бўлсак, дала тадқиқотларининг аниқлиги ва самарадорлигини юқори даражада баҳолаш мумкин [9, 13, 14]. Ўлчов ишларини бошлаш учун доплер ишчи ҳолатга келтирилди, бунинг учун доплернинг барча элементларини маҳсус қайиққа ўрнатиб электр манбаи таъминоти ва GPS сигналлари узатилиши текширилди. Барча элементлар бир-бири билан тўғри боғланган бўлса яшил ишора чироғи, боғланишда камчиликлар бўлса қизил ишора чироғи ёнади. Мана шу ишора чироқларига қараб ўлчов воситасининг ишчи ҳолати текширилди ҳамда электрон дастурий таъминоти ишга туширилди [15, 16].


SonTek - RiverSurveyor S5 доплернинг параметрлари			
Тезликни ўлчаш		Чуқурликни ўлчаш	
профилнинг оралиги (масофа)	0,06 м. дан 5 м. гача	оралиқ	0,20 м. дан 15 м. гача
профилнинг оралиги (тезлик)	+/- 20 м/с	хатолик	1%
хатолик	Up to +/- 0,25% of measured velocity; +/- 0,2 cm/s ¹	резолуция	0,001m
резолуция	0,001 м/с		

Дастурий таъминот ишга туширилгандан сўнг ўлчов ишларини бошлашдан аввал тизимнинг тўғри ишлашига ишонч ҳосил қилиш керак. Бунинг учун экранда ҳосил бўлган ойнага ўлчов жойи тўғрисидаги маълумотлар киритилади ва ҳар бир ўлчовдан аввал магнит шовқинларини бартараф этиш учун компас калибровкасини амалга ошириш керак бўлади, бунда муваффақиятли калибровка учун хатолик 0,5 даражадан ошиб кетмаслигини таъминлаш керак (3-расм).



3-расм. Тадқиқотларнинг дастлабки босқичи


Дастлабки синовлар якунлангач, ўлчовлар жойи ҳақидаги маълумотлар киритилгач, ўлчов жараёнини бошлаш мумкин. Дастурий таъминотда ўлчов жараёнини қадам ба қадам кузатиб борилади [17, 18]. Қуйидаги расмда ўлчов жараёнини асосий тушунчалари акс эттирилган (4-расм).



4-расм. Ўлчов жараёнини асосий тушунчалари

Натижалар таҳлили ва мисоллар. Тадқиқот объектида, табиий дала шароитида ўлчов ишларини олиб бориш учун бир нечта характерли ўзгармас створлар белгилаб олинди. Тадқиқотнинг биринчи босқичи, сув омбори тўғониға яқин қисмида белгилаб олинган створдан бошлаб олиб борилди (5-расм).


Ўлчов натижалари, дастурий таъминот ёрдамида кузатиб борилди, унга кўра ўлчанган натижалар бўйича қуйидаги маълумотларга, яъни ўлчов жараёнида олинган асосий маълумотлардани бири сув омборининг чуқурлиги ва кўндаланг кесим юзаси тўғрисида тасвирлар аниқланди [17,18] (6-расм).



5-расм. Дала тадқиқоти жараёни

Доплер ёрдамида олинган маълумотлар ҳамда тасвирлардан фойдаланиб сув омборининг лойихавий параметрларининг ўзгариб бориши ва бу натижаларнинг сув омборидан фойдаланиш даврига таъсирини баҳолаш мумкин ҳисобланади [19, 20].

Дала тадқиқотлари натижалари асосида сув омборининг кўндаланг кесим юзаларининг шаклланиши бўйича таҳлиллар олиб борилди. Унга кўра, сув омборининг ўлчов ишлари амалга оширилган кундаги сув сатҳи баландлиги 687,3 белгида эканлиги ҳамда ўлчанган кесимнинг энг чуқур нуқтаси 9,59 м ни ташкил қилди. Маълумотлар таҳлилига кўра, ўлчанган кемсларнинг кенлиги 450–650 м оралиғида эканлиги маълум бўлди. Бундан кўринадики, сув омбори қирғоқларида ҳам деформацион жараёнларнинг салбий таъсирини кўриш мумкин. Дала тадқиқотлари асосида олинган маълумотларни қайта ишлаш орқали сув омборининг фойдали ҳажми ўзгаришини баҳолаш, ишлаш самарадорли, лойқа чўкиндилар ҳажми ҳамда атроф-муҳитга таъсири тўғрисида хулосалар қилиш мумкин. Яъни олинган тасвирлардан фойдаланиб сув омборида лойқа чўкиндиларнинг юқори бьеф бўйлаб шаклланишини кузатиш мумкин бўлди. Сув омборидан фойдаланиш даврида юзага келган ўзгаришларни,



6-расм. Чортоқ сув омбори характерли створларидан доплер ёрдамида олинган натижалар

иншоотнинг лойиҳавий параметрларини, тадқиқот натижасида олинган маълумотлар билан ўзаро таққослаш, статистик таҳлил қилиш ва назарий ҳисоблаш ишларини бажариш орқали сув омборида ярим асрлик эксплуатация даврида юқори бьеф бўйлаб 9,12 млн.м³ лойқа чўкиндилар чўкиб қолгани, яъни сув омбори фойдали ҳажмининг қарийб 30 фоиздан кўпроқ қисми лойқага тўлгани маълум бўлди.

Хулоса. Табиий дала шароитидаги тадқиқот натижалари асосида сув омборида юзага келган ўзгаришлар ва унинг оқибатлари тўғрисида маълумотлар таҳлили келтирилди. Тадқиқот натижалари асосида доплер ўлчов воситаси ёрдамида олинган маълумотлар асосида сув омборида бутунгун кунда юзага келган ўзгаришлар аниқланиб, иншоотнинг лойиҳавий параметрлари билан таққослаш,

статистик таҳлил қилиш ва назарий ҳисоблаш ишларини бажариш орқали сув омборида ярим асрлик эксплуатация даврида юқори бьеф бўйлаб 9,12 млн. м³ лойқа чўкиндилар чўкиб қолгани аниқланди. Сув омборининг умумий ҳажми 30 млн. м³ бўлиб сув омбори ҳажмининг қарийб 30 фоиздан кўпроқ қисми лойқага тўлгани маълум бўлди. Олинган натижаларнинг сув омбори эксплуатация давомийлигига, ишлаш режими самарадорлигига, фойдали ҳажм қисқаришига, сув сатҳининг ўзгариши ҳамда атроф-муҳитга таъсири тўғрисида хулосалар қилинди. Тадқиқотлар доирасида сув омбори фойдали ҳажмига таъсир этувчи факторлар, лойқа чўкиндиларнинг миқдорини аниқ баҳолаш ва лойқа чўкинди балансини аниқлашда замонавий ўлчов воситаларининг ўрни ҳамда улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

№	Адабиётлар	References
1	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармони. – Тошкент, 2019.	Uzbekistan Respublikasi Prezidentining PF-5742-sonli Farmoni, “ <i>Kishlok khuzhaligida yer va suv resurslaridan samarali foydalanish chora-tadbirlari togrisida</i> ” farmoni [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-5742 "On measures for the efficient use of land and water resources in agriculture"]. - Tashkent, 2019. (in Uzbek)
2	А.М.Арифжанов, Ф.Гаппаров, Т.У.Апакхужаева, С.Н.Хошимов. Сув омборларини лойка босишининг назарий ва табиий дала тадқиқотларининг таҳлили // “Irrigatsiya va melioratsiya” журналі. – Тошкент, 2020. – № 3 (21). – Б. 63-66.	A.M.Arifjanov, F.Gapparov, T.U.Apaxujaeva, S.N.Xoshimov, <i>Suv omborlarini loyka bosishining nazariy va tabiiy dala tadqiqotlarining tahlili</i> [Analysis of theoretical and natural field research of turbidity of reservoirs]. Journal "Irrigation and melioration". - Tashkent, № 3 (21) 2020. Pp 63-66 (in Uzbek)
3	Jurík, L, Zeleňáková, M.Kaletová, T., Arifjanov Small Water Reservoirs: Sources of Water for Irrigation. The handbook of environmental Chemistry. Volume 69, Nitra, 2019, Pp 115-131.	Jurík, L, Zeleňáková, M.Kaletová, T., Arifjanov Small Water Reservoirs: Sources of Water for Irrigation. The handbook of environmental Chemistry. Volume 69, Nitra, 2019, Pp.115-131.
4	Schleiss, A. J., Franca, M. J., Juez, C., & De Cesare, G. (2016). Reservoir sedimentation. Journal of Hydraulic Research, 54 (6), Pp 595–614.	Schleiss, A. J., Franca, M. J., Juez, C., & De Cesare, G. (2016). Reservoir sedimentation. Journal of Hydraulic Research, 54(6), Pp 595–614.
5	Арифжанов А.М., Фатхуллаев А.М., Самиев Л.Н. Ўзандаги жараёнлар ва дарё чўкиндилари (Монография). – Тошкент: “Ноширлик ёдуси”, 2017. – 191 б.	Arifjanov AM, Fatkhullaev AM, Samiev LN, <i>Uzandagi zharayonlar va daryo chukindilari</i> [Uzen processes and river sediments]. Tashkent, 2017: Monograph Publishing House, 191 p. (in Uzbek)
6	Lotsari E., Wang Y., Kaartinen H., Jaakkola A., Kukko A., Vaaja M., Hyypä H., Hyypä J., Alho P., 2015. Gravel transport by ice in a subarctic river from accurate laser scanning. Geomorphology. Elsevier, 246, Pp 113-122	Lotsari E., Wang Y., Kaartinen H., Jaakkola A., Kukko A., Vaaja M., Hyyppä H., Hyyppä J., Alho P., 2015. Gravel transport by ice in a subarctic river from accurate laser scanning. Geomorphology. Elsevier, 246, Pp 113–122.
7	А.М.Арифжанов, Т.У.Апакхужаева, С.Н.Хошимов. Сув омборида лойка босиш жараёни таҳлили // “НамМТИ” илмий-техник журналі. – Наманган, 2020. – 1-махсус сон. – Б. 281-287.	A.M. Arifjanov, T.U. Apakxujaeva, S.N.Xoshimov. <i>Suv omborida loyka bosish zharayoni tahlili</i> [Analysis of the process of turbidity in the reservoir] Journal "NamMTI Scientific and Technical". - Namangan, № 1st special issue 2020. Pp 281-287. (in Uzbek)
8	Sumin Li, Liwei Yuan, Hua Yang, Huaming An, Guangjin Wang, “Tailings dam safety monitoring and early warning based on spatial evolution process of mud-sand flow”, Safety Science Journal. Elsevier, Volume 124, April 2020, 104579	Sumin Li, Liwei Yuan, Hua Yang, Huaming An, Guangjin Wang, “Tailings dam safety monitoring and early warning based on spatial evolution process of mud-sand flow”, Safety Science Journal. Elsevier, Volume 124, April 2020, 104579
9	Brandt M J, Johnson K M, Elphinston A J, Ratnayaka D D, Hydraulics Twort’s Water Supply. Elsevier, Pp. 581–619 (2017)	Brandt M J, Johnson K M, Elphinston A J, Ratnayaka D D, Hydraulics Twort’s Water Supply. Elsevier, Pp. 581–619 (2017)
10	Давранов Г. Сув омборларида юзага келган лойка чўкинди ётқизикларининг параметрлари ва физик-механик хоссалари // “Муҳофаза” журналі. – Тошкент, 2013. – № 9. – Б. 8-12.	Davranov G. <i>Suv omborlarida yuzaga kelgan loyka chukindi yotkiziklarining parametrlari va fizik-mekhanik khossalari</i> [Parameters and physical and mechanical properties of sedimentary deposits formed in reservoirs]. Journal of Conservation. Tashkent 2013. № 9, Pp 8-12. (in Uzbek)
11	А.В.Рахуба, М.В.Шмакова. Математическое моделирование динамики заиления как фактора эвтрофирования водных масс Куйбышевского водохранилища. – Санкт-Петербург, 2015. – С. 189-193.	A.V. Raxuba, M.V. Shmakova <i>Matematicheskoe modelirovanie dinamiki zaileniya kak factor evtrofirovaniya vodnix mass Kuybyshevskogo vodokhranilishcha</i> . [Mathematical modeling of silting dynamics as a factor of eutrophication of water masses of the Kuibyshev reservoir] Aquatic ecosystems, St. Petersburg, 2015. pp. 189-193. (in Russian)
12	Сами Хассан Эльсайед Таглави. Совершенствование методов разработки сценариев управления эксплуатацией водохранилищ на реках с обильным стоком наносов. – Москва, 2010. – 199 с.	Sami Hassan Elsayed Taglawi, <i>Sovershenstvovaniye metodov razrabotki stsenariyev upravleniya ekspluatatsiy vodokhranilish na rekax s obilnim stokom nanosov</i> [Improving the methods for developing scenarios for managing the operation of reservoirs on rivers with abundant sediment flow]. Moscow. 2010. 199 p. (in Russian)
13	Гаппаров Ф.А., Нарзиев Ж., Умаров М. Сув омборлари лойқаланган ҳажмининг ўзгаришини баҳолаш // “Сув хўжалиги ва сўғориладиган ерларни мелiorациясини долзарб муаммолари” мавзuidaги Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. 12 декабрь 2011 йил. – Тошкент, ИСМИТИ, 2011. – Б. 169-172.	Gapparov F.A., Narzиеv J., Umarov M. <i>Suv omborlari loykalangan khazhmining uzgarishini baholash</i> [Assessment of changes in the volume of muddy reservoirs] "Actual problems of water management and reclamation of irrigated lands" (Proceedings of the Republican scientific-practical conference, December 12, 2011), SANIIRI Tashkent, 2011. Pp 169-172. (in Uzbek)
14	А.М.Арифжанов, Л.Н.Самиев, С.Н.Хошимов. Ўзан сув омборида лойқаланган жараёнларини баҳолаш // “Irrigatsiya va melioratsiya” журналі. – Тошкент, 2020. – № 2(20). – Б 11-13.	AM Arifjanov, LN Samiev, SN Hoshimov, <i>Uzan suv omborida loykalaniish zharayonlarini baholash</i> [Assessment of turbidity processes in the Uzan reservoir]. Journal of Irrigation and melioration. Tashkent, № 2 (20) 2020. Pp 11-13. (in Uzbek)

15	Sangseom Jeong, Kwangwoo Lee , Analysis of the impact force of debris flows on a check dam by using acoupled Eulerian-Lagrangian (CEL) method. Computers and Geotechnics Journal. Elsevier, №116 (2019) 103214	Sangseom Jeong, Kwangwoo Lee , Analysis of the impact force of debris flows on a check dam by using acoupled Eulerian-Lagrangian (CEL) method. Computers and Geotechnics Journal. Elsevier, № 116 (2019) 103214
16	И.А.Ахмедходжаева. Методы прогноза потерь емкости русловых водохранилищ сезонного регулирования. Дис. ... к.т.н. – Ташкент, 2008.	I.A.Axmedxodjaeva « <i>Metodi prognoza poteri yemkosti ruslovikh vodokhranilish sezonnogo regulirovaniya</i> » [Methods for predicting the loss of capacity of channel reservoirs of seasonal regulation] Diss.A for the degree of PhD. Tashkent 2008 (in Russian)
17	М.В. Шмакова, С.А. Кондратьев. Оценка заиления водохранилищ по данным о годовом твердом стоке притоков (НА ПРИМЕРЕ сестрорецкого разлива). – Москва, Гидрология ученые записки. – № 34. – С. 134-141.	M.V. Shmakova, S.A. Kondratyev. <i>Otsenka zaileniya vodokhranilish po dannim o godovom tverdom stoke pritokov (NA PRIMERE sestrotskogo razliva)</i> [Assessment of reservoir sedimentation based on data of annual sediment discharge in tributaries (sestrotskiy rasliv as a case study)] Hydrology scholarly notes № 34 Moscow. Pp 134-141.(in Russian)
18	A.Fatkhulloev, A.Gafarova and J.Hamraqulov. "The Importance Of Mobile Applications In The Use Of Standard Water Measurements," 2019 International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT), Tashkent, Uzbekistan, 2019, Pp. 1-4. doi:10.1109/ICISCT47635.2019.9011816	A. Fatkhulloev, A. Gafarova and J. Hamraqulov, "The Importance Of Mobile Applications In The Use Of Standard Water Measurements," 2019 International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT), Tashkent, Uzbekistan, 2019, Pp. 1-4, doi: 10.1109 / ICISCT47635. 2019.9011816.
19	Akshay M. Patil, Aniket A. Zanke, Somesh T. More Tejas S. Valke , Dipali Patil, Calculation of Life of Reservoir by Reducing the Silt, International Research Journal of Engineering and Technology (IRJET) Mar-2018.	Akshay M. Patil, Aniket A. Zanke, Somesh T. More Tejas S. Valke , Dipali Patil, Calculation of Life of Reservoir by Reducing the Silt, International Research Journal of Engineering and Technology (IRJET) Mar-2018
20	Барышников Н.Б. Динамика потоков. – Санкт-Петербург: Изд. РГТМУ, 2007. – 439 с.	Barishnikov N.B. <i>Dinamika potokov</i> [Flow dynamics] Sankt. Peterburg. topublish. RSHU 2007. 439 p. (in Russian)

УЎТ: 532:626,8:333

БЕТОН ПРИЗМАТИК КАНАЛЛАРНИНГ ГИДРАВЛИК ПАРАМЕТРАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

А.Фатхуллоев – т.ф.д., профессор, Д.Аллаёров – докторант, М.Отахонов – PhD., доцент, Д.Аллаёрова – муҳандис, К.Нариманов – талаба,

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети

Аннотация

Бугунги кунда фильтрация сарфи ҳамда ўзанининг лойқа чўқиндилари билан тўлиш хавфи юқорилиги боис мавжуд ирригация тармоқларининг фойдали иш коэффициенти 0,63 ни ташкил этмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этиш, суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициентини 0,73 гача ошириш мақсадида давлат дастурлари доирасида тупроқ ўзанли каналларни бетон ёки темир бетон қопламалар билан қоплаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Каналларнинг гидравлик ҳисоблаш усуллари тупроқ ўзанли каналларга мослашган бўлиб, ушбу ҳисоблаш услубларидан ўзани бетонланувчи каналларда фойдаланиш солиштирма иқтисодий самарадорлик (А)нинг камайишига олиб келмоқда. Канал ўзанини бетонлашда гидравлик энг қулай кесим шартларидан фойдаланиш берилган сарфни минимал намланганлик периметри орқали ўтказиш имконини беради аммо ушбу шартдан маҳаллий грунтларда фойдаланиш имконияти чеклангандир. Гулистон шаҳри бўйлаб ўтувчи, ўзани бетонланган К-3 хўжаликлараро каналида олиб борилган тадқиқотларга кўра, ўзанининг гидравлик энг қулай кесимга нисбатан солиштирма иқтисодий самарадорлик 80 фоизни ташкил этаётганлиги, бетон каналнинг максимал сув ва лойқа ўтказиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаганлиги сабабли ўзанининг айрим (ПК34+74) участкаларини лойқа босганлиги аниқланди. Канал ўзани грунтининг табиий қияланиш коэффициенти ($m=1,5$) инобатга олган ҳолда “DGU 13170” ЭХМ дастуридан фойдаланиб канал гидравлик элементлари қайта ҳисобланганда солиштирма иқтисодий самарадорлик 87 фоизни ташкил этиб, сув сарфининг турли минимал қийматларида ҳам оқим тезлигининг мавжуд ҳолатга нисбатан юқори бўлиши аниқланди.

Таянч сўзлар: суғориш канали, гидравлик элементлар, бетон канал, лойихалаш, гидравлик энг қулай кесим.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РАСЧЕТА ГИДРАВЛИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ БЕТОННЫХ ПРИЗМАТИЧЕСКИХ КАНАЛОВ

А.Фатхуллоев – д.т.н., профессор, Д.Аллаёров – докторант, М.Отахонов – PhD., доцент, Д.Аллаёрова – инженер, К.Нариманов – студент,

Национальный исследовательский университет «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»

Аннотация

На сегодняшний день КПД существующей оросительной сети составляет 0,63, что связано с высокой фильтрацией и опасностью выпадения наносов. Для устранения этих проблем и повышения КПД оросительных систем до 0,73 в рамках Государственных программ ведутся интенсивные работы по покрытию каналов бетонной или железобетонной облицовкой. Существующие методы гидравлического расчета каналов, адаптированы к земляному руслу, и применение этих методов расчета в каналах с бетонным руслом приводит к снижению относительной экономической эффективности (А). При бетонировании канала использование условий наилучшего гидравлического сечения позволяет потоку проходить по минимально смоченному периметру, но возможность использования этого условия в местных грунтах ограничена. Согласно исследованиям, проведенным на межхозяйственном канале К-3, проходящем через г. Гулистан, относительная экономическая эффективность канала составляет 80 % по сравнению с наиболее устойчивым гидравлическим сечением, а некоторые участки канала (ПК34+74) заиляются в связи с тем, что не полностью используются максимальные водо и нанотранспортирующие возможности бетонного канала. С учетом коэффициента естественного уклона грунта ложа канала ($m=1,5$) и с использованием программы «DGU 13170» определена относительная экономическая эффективность, равная 87%, а также определена скорость течения относительно выше любого текущего состояния при различных значениях минимального расхода.

Ключевые слова: оросительный канал, гидравлические элементы, бетонный канал, проектирование, наиболее удобное гидравлическое сечение.

IMPROVEMENT OF CALCULATION OF HYDRAULIC PARAMETERS OF CONCRETE PRISMATIC CHANNELS

A.Fatxulloev – DSc., professor, D.Allayorov – doctorate, M.Otakhonov – PhD., doctent, D.Allayorova – engineer, K.Narimanov – student,

“Tashkent institute of irrigation and agricultural mechanization engineers” National research university

Abstract.

Today, the efficiency of existing irrigation network is 0.63, which is associated with high filtration and the risk of deposition with sediment. To eliminate these problems and increase the efficiency of irrigation systems to 0.73, within the framework of the State programs, intensive work is underway to cover the canals with concrete or reinforced concrete lining. The existing calculation methods used in the hydraulic calculation of canals are adapted to an earth channel, and the use of these calculation methods in channels with a concrete channel leads to a decrease in relative economic efficiency (A). When concreting the

channel, the use of the conditions of the best hydraulic section allows this flow to pass along the minimum wetted perimeter, but the possibility of using this condition in local soils is limited. According to studies conducted on the inter-farm canal K-3, passing through the city of Gulistan, the relative economic efficiency of the channel is 80% compared to the best hydraulic section, and some sections of the canal channel (PK34 + 74) are going on the deposition due to the fact that the maximum water and sediment transfer capabilities of the concrete channel are not fully used. Taking into account the coefficient of the natural slope of the canal bed soil ($m=1.5$) and using the program "DGU 13170", the relative economic efficiency was found that is 87% as well as the velocity of flow was determined higher than any current state in different minimum flow discharge.

Key words: irrigation channel, hydraulic elements, concrete channel, design, the best hydraulic section.

Кириш. Мамлакатимизда фойдаланилаётган ирригация тармоқларининг қарийб 75 фоизини тупроқ ўзанли каналлар ташкил этади ва бу каналларда фильтрация сарфи ва ушбу каналлар сув олувчи дарёларда оқизиклар миқдорининг юқорилиги натижасида манбадан олинган сувнинг 40 фоизга яқини тармоқда беҳуда сарф бўлмоқда, керакли сув миқдори эса экин майдонларига етиб бормаяпти [1, 2]. Тупроқ ўзанли каналлардан бўладиган фильтрация натижасида сув йўқотилиши, тизим самарадорлигининг паст бўлишига, ер ости сувларининг ортикча тўйиниши натижада эса қишлоқ хўжалиги суғориладиган майдонларининг ботқоқланишига ҳамда шўрланишига олиб келади. Ирригация каналларининг эксплуатацион самарадорлиги бўйича олиб борилган тадқиқотларга кўра, агар тизимдаги умумий сув йўқотишлари 100% деб қабул қилинса, шунинг 70–75 фоизи фильтрация, 3–5 фоизи буғланиш ва қолган 22–25 фоизи техник сув йўқотилишларининг ҳиссасига тўғри келмоқда [3]. Бундай муаммоларнинг олдини олиш, суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициентини 0,63 дан 0,73 гача ошириш учун юртимизда ирригация тармоқларини реконструкция қилиш бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, тупроқ ўзанли каналлар ўзанини сувни кам ўтказадиган қопламалар, яъни бетон ёки темир-бетон қопламалар қоплаш ишлари жадал олиб борилмоқда [4, 5]. Тупроқ ўзанли каналларни бетон қопламалар билан қоплаш ишлари мураккаб жараён бўлиши билан бир қаторда, катта миқдордаги маблағ талаб этади.

Канал ўзанини бетон ёки темир-бетон қопламалар билан қоплаш асосан сув жуда танқис бўлган тизимларда, сув тезлигини бошқариш зарурияти бўлган тизим қисмлари ва иншоотларда, канал фильтрация коэффициенти юқори бўлган тупроқларда лойиҳаланганда қўлланилиб, сув исрофгарчилигини 90–95 фоизгача камайтириш имконини беради [6, 7].

Бетон ўзанли каналларни лойиҳалашда гидравлик параметрларини асослаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, гидравлик параметрларини асослаш билан бир қаторда динамик мустаҳкам ва иқтисодий самарадор кесимларни ҳам лойиҳалаш ва қуриш имкони пайдо бўлади.

Республикамиз ҳудудидаги суғориладиган майдонларнинг аксарияти текисликда жойлашган бўлиб, уларга хизмат кўрсатувчи суғориш тармоқларида кенг тарқалган муаммолардан бири ўзанни лойқа босишдир [8, 9].

Бугунги кунда тупроқ ўзанли каналларни лойиҳалашда гидравлик параметрларини асослаш бўйича турли даврларда илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, олинган илмий натижалардан ўзани бетонланган каналларда фойдаланиш иқтисодий ва эксплуатацион муаммоларни келтириб чиқармоқда [10, 11].

Маълумки, цемент ёки бошқа органик бирикмалардан тайёрланган бетон ювилишга анча чидамли бўлиб, ўзидан сувни деярли ўтказмайди, бу эса фильтрацияга қарши курашишда ирригация тармоқларида ундан фойдаланиш ўзаннинг эксплуатацион ишончилигини таъминлайди [12].

Маълум нормативлар асосида бетон каналларни лойиҳалашда асосий меъзон ўзан нисбий кенглининг чегаравий қийматлар ($\beta=2\div 5$)га мослигини таъминлаш ва шу билан биргаликда хомашё ҳажмини камайтиришга қаратилган бўлиб [6], ўзаннинг гидравлик мустаҳкамлик шартларига етарлича эътибор берилмаган ва барча ҳисоб-китоб ишлари танлаш усулида олиб борилди.

Канал ўзанини бетон ёки темир бетон қопламалар қоплашда гидравлик энг қулай кесим шартларидан фойдаланиш қурилаётган иншоотнинг иқтисодий жиҳатдан ресурстежамкорлигини таъминлайди, аммо ушбу усулдан тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятлари чекланган [13, 14, 15, 16, 17].

Ҳар бир суғориш тармоғи ҳудуднинг грунт ва рельеф хусусиятларидан келиб чиқиб лойиҳа қилинади, ўзан грунтнинг табиий қияланиш бурчаги ва каналнинг ён девор қиялиги бир-бирига мос бўлиши лозим. Гидравлик энг қулай кесим шarti эса ўзан ён деворининг маълум бир қийматда бўлишини талаб этади.


Тадқиқот объекти ва масаланинг қўйилиши. "Дўстлик" магистрал каналдан сув олувчи, узунлиги 18,6 км, сув сарфи 12,0 м³/с бўлган К-3 хўжаликлараро канали Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги 9910 га суғориладиган майдонлар, жумладан, 7550 га пахта-ғалла ва 2350 га бошқа экин майдонларини суғориш учун сув билан таъминлашга мўлжалланган.

Канал Гулистон шаҳрида дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатни яхшилаш ва ер ости сув сатҳини камайтириш, шаҳарнинг архитектура-режалаштириш қиёфаси ва инфратузилмасини тубдан яхшилаш ҳамда канал хизмат кўрсатувчи суғориладиган майдонларнинг сув таъминотини яхшилаш мақсадида реконструкция қилинган [18].

1-жадвал

К-3 хўжаликлараро каналнинг гидравлик элементлари, ПК-23+76 дан ПК-49+04 гача

Сув ўтказиш қуввати, м ³ /с	Канал тубининг эни, м	Канал ён девори қиялиги	Канал нормал чуқурлиги, м	Канал нишаб-лиги	Ўзан га-дир-бурлиги	Канал қурилиш чуқурлиги, м
12	4	1,5	1,55	0,00042	0,017	2,05




1-расм. Каналнинг лойиҳавий кўндаланг кесими, ПК-34+74

Канални реконструкциясида лойиҳавий параметрларига асосан 5 босқичда ўзани бетонлаш ишлари олиб борилган, яъни грунтни зичлаш, геомембрана билан қоплаш, геотекстил билан қоплаш, армосетка ётқизиш, бетонлаш.

Бажарилган фильтрацияга қарши тадбирларга қарамасдан, каналда оқим сарфининг ўзгарувчанлиги, оқимнинг минимал қийматларида лойқа босиш хавфининг юқорилиги сабабли бугунги кунда каналнинг айрим

участкаларида техник ҳолатнинг ёмонлашганлигини: ўзан тубини лойқа босиш ҳамда ўзанда сув ўтларининг ривожланишини кўриш мумкин. Ушбу ҳолатлар каналнинг лойиҳа параметрлари ҳисоблашда лойқа узатиш қувватига етарлича этибор берилмаганлигини ҳамда бетон каналнинг максимал сув ва лойқа ўтказиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаганлигидан далолат беради (2-расм).



2-расм. Каналнинг жорий кўндаланг кесими, ПК-34+74

Ушбу тадқиқотдан кўзланган мақсад суғориш тармоқларини қуриш ва реконструкция қилишда ресурстежамкорликни таъминловчи ҳамда динамик мустаҳкамлиги юқори бўлган суғориш канали параметрларини ҳисоблашда гидравлик энг қулай кесим шартларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришдан иборатдир.

Ечиш усули. Гидравлик энг қулай кесим – мавжуд юза бирлигида максимал сув сарфини ўтказоладиган кесимдир. Бетон ўзани каналларда рухсат этилган ювилиш тезлиги тунроқ ўзани каналларнинг тезлигига нисбатан анча юқори бўлганлиги учун гидравлик энг қулай кесим шартларидан каналларни бетонлашда фойдаланилади [10, 15].

Бу эса иқтисодий жиҳатдан қурилишда фойдаланиладиган ресурсларни тежаш имконини беради. Аммо, бундай кесимли каналларни қуриш имконияти чекланганлиги сабабли, ушбу шартлардан фойдаланиш ҳам чеклангандир. Лойиҳаланаётган суғориш тармоқларининг қурилиш харажатларига нисбатан иқтисодий самарадорлигини баҳолашда ушбу шартлардан фойдаланиш лойиҳанинг қанчалик ресурстежамкор эканлигини баҳолаш имкониятини яратади.

Гидравлик энг қулай кесим – мавжуд юза бирлигида максимал сув сарфини ўтказоладиган ёки берилган сарфни минимал юза орқали ўтказувчи кесимдир. Минимал ҳаракат кесим юзаси минимал ўзан деворининг кўндаланг кесим узунлигини ҳосил қилади, бу эса энг ресурстежамкор кесим деганидир. Гидравлик жиҳатдан энг қулай кесимли канал шартига кўра, канал кўндаланг кесим элементлари ўртасидаги боғланиш қуйидагича [13]:

$$\frac{b}{h} = 2(\sqrt{1 + m^2} - m) \quad (1)$$

бу ерда: h – сув оқимининг нормал чуқурлиги, м;


b – канал тубининг кенлиги, м;

m – канал ён девори қиялик коэффиценти.

Ушбу (1) боғланишга кўра оқим намланганлик периметри қуйидагича ёзилади:

$$\chi = 2h(2\sqrt{1 + m^2} - m) \quad (2)$$

Оқим чуқурлигининг бирлик қийматига нисбатан (2) ифода минимал қийматга ўзан ён деворининг экстремумларида эришади (3-расм).




3-расм. $h=1$ м бўлганда $\chi=f(m)$ графиги

Демак, берилган сарфни минимал юза орқали ўтказувчи мақбул канал кўндаланг кесими учун канал гидравлик элементлари ўртасидаги боғланиш қуйидагича:

$$\begin{cases} m = \frac{1}{\sqrt{3}} \\ \beta = \frac{b}{h} = \frac{2}{\sqrt{3}} \end{cases} \quad (3)$$

Гидравлик жиҳатдан оптимал кесимли каналлар қурилишда ҳамда фойдаланишда юқори самара беради аммо ушбу ҳисоблаш усулидан тўғридан-тўғри фойдаланиш имконияти чеклангандир. Яъни, 3-расмга кўра, канал ён деворининг қиялик коэффиценти $m=0,58$ га тенг бўлиши лозим. Бу эса аксарият маҳаллий грунтларнинг табиий қияланиш коэффицентига мос келмайди (4-расм), натижада табиий грунт билан бетон қопламаси оралиғида бўшлиқлар юзага келиши мумкин.

Мавжуд ҳисоблаш усули имкониятларини амалиётга мослаштириши мақсадида қурилишга нисбатан қулайлик коэффиценти инобатга олувчи “Гидравлик энг қулай канал элементлари ҳисоби” номли DGU 13170 электрон ҳисоблаш дастуридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ [19]. Ушбу электрон ҳисоблаш дастури маҳаллий грунтларнинг табиий қияланиш коэффицентига мос келувчи, иқтисодий жиҳатдан тежамкор параметрларини ҳисоблаш имконини ҳамда каналдаги сув сарфининг турли минимал қийматларида оқим ўртача тезлигининг бошқа ҳисоблаш усулларида нисбатан жадалроқ бўлишини таъминлайди.



4-расм. Табиий ғрунтларнинг қияланиш коэффициентини, м

Маълумки, канал қурилишининг иқтисодий самарадорлиги ўзан 1 погонметр узунлиги учун сарфланган хомашё ҳажмига нисбатан аниқланади. Бажарилган назарий таҳлилга кўра, солиштирма иқтисодий самарадорлик (A) гидравлик энг қулай кесим шартлари асосида қуйидагича аниқланиши мункин:

$$A = \left[1 - \frac{\chi_{\text{мавжуд}} - \chi_{\text{b.h.s}}}{\chi_{\text{b.h.s}}} \right] \cdot 100\% \quad (4)$$

бу ерда: $\chi_{\text{b.h.s}}$ $\chi_{\text{мавжуд}}$ – мавжуд ҳамда гидравлик энг қулай кесим шартларига мос келувчи канал кўндаланг кесим узунлиги.

$$\chi_i = h_i \left(\beta_i + 2\sqrt{1 + m_i^2} \left(1 + \frac{a}{h_i} \right) \right) \quad (5)$$

Бу ерда: a – канал бермасининг сувнинг жадаллашган сатҳи устидан баландлиги, м.

Гидротехника қурилишида ирригация тармоқларини лойиҳалашда лойиҳанинг техник ва иқтисодий кўрсаткичлари муҳимдир, аммо ҳар бир жорий этилган лойиҳанинг нақадар ишончли эканлиги каналларнинг эксплуатацион ишончлик мезонлари асосида баҳоланади. Ўнга кўра, ўзанининг техник ҳолати кўрсаткичи ($P_{\text{т.х.к}}$) қуйидагича бўлиши лозим [20]:

$$\sigma' P_{\text{т.х.к.л}} \leq P_{\text{т.х.к}} \leq P_{\text{т.х.к.л}} \quad (6)$$

бу ерда: $P_{\text{т.х.к}}$ $P_{\text{т.х.к.л}}$ – каналнинг лойиҳавий ва талаб этиладиган техник ҳолати кўрсаткичи;


σ' – каналнинг техник ҳолатини пасайтирувчи коэффициент.

Бетонланган каналларда техник ҳолатни пасайтирувчи коэффициентга ўзан тубида лойқа чўкиндилари тўлиши ҳамда ўзанда сув ўтларининг ривожланиши ва бошқа факторлар таъсир кўрсатади.

Натижалар таҳлили ва мисоллар. К-3 хўжаликлараро каналида олиб борилган тадқиқотларга кўра, канал қурилишида хомашё ҳажмига нисбатан солиштирма иқтисодий самарадорлик 80% эканлиги, маҳаллий ғрунт-

ларнинг табиий қияланиш коэффициентини инобатга олган ҳолда DGU 13170 электрон ҳисоблаш дастуридан фойдаланиб қайта ҳисобланганда эса ушбу қийматни 87 фоизгача ошириш имконияти мавжудлиги аниқланди (2-жадвал).

Бетонланувчи суғориш тармоқларида “Гидравлик энг қулай канал элементлари ҳисоби” номли DGU 13170 электрон ҳисоблаш дастуридан фойдаланиш каналларнинг минимал сарф режимида юқори эксплуатацион ишончликни таъминлайди (5-расм). Яъни ушбу ҳисоблаш усули каналдаги сув сарфининг турли минимал қийматларида ҳам оқимнинг мавжуд ҳолатга нисбатан тезроқ ҳаракатланиш имкониятини ҳосил қилади, бу эса оқимнинг лойқа ташувчанлик қувватига ҳамда техник ҳолатини пасайтирувчи коэффициентга (σ') ўз таъсирини ўтказилади.



5-расм. К-3 хўжаликлараро каналида сув сарфининг турли минимал қийматларида тезлик тақсимоти

Хулоса ва тавсиялар. Ҳар қандай гидротехник иншоот гидравлик самарадор ва эксплуатацион ишончли бўлиши билан бирга қурилиш жараёнида харажатларнинг минимал бўлишини талаб этади. Ўзани бетонланувчи каналларни лойиҳалашда лойиҳанинг гидравлик энг қулай кесим шартларига нисбатан солиштирма иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиши иншоот қурилишида сарфланадиган хомашё ҳажми камайишига олиб келади.

Гидравлик энг қулай кесим шартларидан амалиётда бевосита фойдаланиш имконияти чекланган, шу боис (1) ифодадан тўғридан-тўғри фойдаланиш қурилиш жараёнида мураккабликларни келтириб чиқаради.

“Гидравлик энг қулай канал элементлари ҳисоби” номли DGU 13170 электрон ҳисоблаш дастури гидравлик энг қулай кесим шартларини ўзан ғрунти хусусиятларига ва қурилиш жараёнига мослаш имкониятини беради. DGU 13170 дан фойдаланиш қурилишида иқтисодий харажатларни камайтириш билан бирга канал эксплуатация даври давомида динамик мустаҳкамликни таъминлаш имконини беради.

имконини беради.

Бир сўз билан айиганда, гидравлик самарадор ва эксплуатацион ишончли каналларни лойиҳалашда DGU 13170 дан фойдаланиш солиштирма иқтисодий самарадорлиги ҳамда динамик мустаҳкамлиги юқори бўлган каналларни лойиҳаш имконини беради.

К-3 хўжаликлараро каналининг ҳисоблаш услубларига нисбатан солиштирма иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

Ҳисоблаш усуллари	Сув ўтказиш қуввати, м³/с	Канал тубининг эни, м	Канал ён девори қиялиги	Канал нормал чуқурлиги, м	Канал нишаблиги	Ўзан гадир-бундирлиги	A %
BHS	12	2,74	0,6	2,37	0,00035	0,017	100
Мавжуд	12	4	1,5	1,63	0,00035	0,017	80
DGU 13170	12	1,5	1,5	2,15	0,00035	0,017	87

2-жадвал

№	Адабиётлар	References
1	Fatxulloev, A., Gafarova, A., Otakhonov, M. and Allayorov, D. The hydraulic efficiency of the soil channels. IOP Conference Series: Materials Science and Engineering, Vol 0883(1), Tashkent. 2020. 7 p.	Fatxulloev, A., Gafarova, A., Otakhonov, M. and Allayorov, D. The hydraulic efficiency of the soil channels. IOP Conference Series: Materials Science and Engineering, Vol 0883(1), Tashkent. 2020. 7 p.
2	Арифжанов А.М., Фатхуллоев А.М., Самиев Л.Н. Ўзандаги жараёнлар ва дарё чўкиндилари (Монография). – Тошкент: Ноширлик ёғдуси, 2017. – 191 б.	Arifjanov A.M., Fatxullaev A.M., Samiev L.N. <i>Uzandagi zharayonlar va daryo chukindilari</i> [Channel processes and river sediments]. Tashkent, Noshirlik yog'dusi Publ., 2017. 191 p. (in Uzbek)
3	Косиченко Ю.М., Баев О.А., Ищенко А.В. Современные методы борьбы с фильтрацией на оросительных системах // "Инженерный вестник Дона". – Ростов-на-Дону, 2014. – №3. – 12 с.	Kosichenko Y.M., Baev O.A., Ishenko A.V. <i>Sovremennii metodi borbi s filtratsiyey na orositel'nykh sistemax</i> [Modern methods of combating filtration in irrigation systems]. Inzhenernyy vestnik Dona Publ., Rostov-na-Don, 2014. №3. 12 p. (in Russian)
4	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиqlаш тўғрисида"ги ПФ-6024-сонли Фармони. – Тошкент, 2020.	Decree of the President of the Republic of Uzbekistan, №. PF-6024, dated July 10, 2020, " <i>Uzbekistan Respublikasi suv khuzhaligini rivozhlantirishning 2020 – 2030 yillarga mulzhallangan kontseptsiyasini tasdiklash tugrisida</i> " [On the approval of the concept of the development of the water economy of the Republic of Uzbekistan for 2020-2030]. Tashkent. 2020. (in Uzbek)
5	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги "Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелiorativ ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4801-сонли қарори. – Тошкент, 2020.	Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan, No. PQ-4801, dated August 11, 2020, " <i>Zhizzax va Sirdaryo viloyatlarida suv resurslaridan samarali foydalanish va yerlarning meliorativ kholatini yaxshilash buyicha kechiktirib bulmaydigan chora-tadbirlar tugrisida</i> " [On urgent measures to improve the effective use of water resources and land reclamation in Jizzakh and Syrdarya regions]. Tashkent. 2020. (in Uzbek)
6	ШНҚ 2.06.03-12 - Суғориш тизимлари. Лойиҳалаш нормалари: Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. – Тошкент, 2012. – 56 б.	ShNQ 2.06.03-12 - <i>Sug'orish tizimlari. Loyikhalash normalari</i> [Irrigation systems. Design standards]: O'zbekiston Respublikasi Davlat arxitektura va qurilish qo'mitasi. - Tashkent, 2012. - 56 p.
7	Косиченко Ю.М. Исследования фильтрационных потерь из каналов оросительных систем // Ж.: «Мелиорация и водное хозяйство». – Москва, 2006. – №6. – С. 24-25.	Kosichenko Y.M., <i>Issledovaniya filtratsionnikh poter iz kanalov orositel'nikh sistem</i> [Investigation of seepage losses from canals of irrigation systems]. Melioratsiya i vodnoe xozyaystvo., №6, 2006. pp. 24–25. (in Russian)
8	Арифжанов А.М., Фатхуллоев А.М. Динамика взвешенного потока в руслах. – Ташкент: Фан, 2014. – 124 с.	Arifjanov A.M., Fatxulloev A.M. <i>Dinamika vzvesenesushogo potoka v ruslakh</i> [Dynamics of the suspension-carrying flow in channels]. – Tashkent. Fan Publ., 2014. – 124 p. (in Russian)
9	Arifjanov, A., Fatxullaev, A. Natural Studies for Forming Stable Channel Sections. Journal of Physics: Conference Series, Vol 1425(1), Tashkent. 2020. 9 p.	Arifjanov, A., Fatxullaev, A. Natural Studies for Forming Stable Channel Sections. Journal of Physics: Conference Series, Vol 1425(1), Tashkent. 2020. 9 p.
10	Raveendra K. Design of Irrigation Canals. Planning and Evaluation of Irrigation Projects. Elsevier: Academic Press, Cambridge. 2017. pp. 283–318.	Raveendra K. Design of Irrigation Canals. Planning and Evaluation of Irrigation Projects. Elsevier: Academic Press, Cambridge. 2017. pp. 283–318.
11	Brett, E., Michael, Ch., Robert, M. Rational regime model of alluvial channel morphology and response. Earth Surface Processes and Landforms, Vol 29, Wiley. 2004, pp. 511-529.	Brett, E., Michael, Ch., Robert, M. Rational regime model of alluvial channel morphology and response. Earth Surface Processes and Landforms, Vol 29, Wiley. 2004, pp. 511-529.
12	Code, W. E. Design and Construction of Small Concrete Lined Canals. Journal of College of Agriculture. Tucson, 2011, 48 p.	Code, W. E. Design and Construction of Small Concrete Lined Canals. Journal of College of Agriculture. Tucson, 2011, 48 p.
13	Fatxulloev, A., Allayorov, D., Otakhonov, M. Study of hydraulic parameters for concreting channels. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science, Vol 614, Tashkent. 2020. 14 p.	Fatxulloev, A., Allayorov, D., Otakhonov, M. Study of hydraulic parameters for concreting channels. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science, Vol 614, Tashkent. 2020. 14 p.
14	Choi H.I., Kwon S.H. and Wee N.S. Almost rotation-minimizing rational parametrization of canal surfaces. Elsevier: Computer Aided Geometric Design, Vol 21, 9. 2004. pp. 859–881.	Choi H.I., Kwon S.H. and Wee N.S. Almost rotation-minimizing rational parametrization of canal surfaces. Elsevier: Computer Aided Geometric Design, Vol 21, 9. 2004. pp. 859–881.
15	Abdulrahman, A. Best hydraulic section of a composite channel. Journal of Hydraulic Engineering, 133 (6), 2007. pp. 695-697.	Abdulrahman, A. Best hydraulic section of a composite channel. Journal of Hydraulic Engineering, 133 (6), 2007. pp. 695-697.

16	Cheng, S.H., Wang, L., Wang, Y.B., Wang, Z.Z., Engel, B.A. Design and type selection of concrete-lined small canals in cut and expansive soil in cold regions. Irrigation and Drainage, 2019. 16 p.	Cheng, S.H., Wang, L., Wang, Y.B., Wang, Z.Z., Engel, B.A. Design and type selection of concrete-lined small canals in cut and expansive soil in cold regions. Irrigation and Drainage, 2019. 16 p.
17	Yan-cheng, H., Xue-ping, G., Zheng-he, X. The best hydraulic section of horizontal-bottomed parabolic channel section. Journal of Hydrodynamics, 29(2), 2017, pp. 305–313.	Yan-cheng, H., Xue-ping, G., Zheng-he, X. The best hydraulic section of horizontal-bottomed parabolic channel section. Journal of Hydrodynamics, 29(2), 2017, pp. 305–313.
18	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 9 мартдаги “2015–2019 йилларда Гулистон шаҳрида дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатни яхшилаш ва ер ости сув сатҳини камайтириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги Ф-4421 сонли Фармойиши. – Тошкент, 2015.	Decree of the President of the Republic of Uzbekistan, No. F-4421, dated March 9, 2015, “2015-2019 yillarda Guliston shahrida drenaj tizimini yanada takomillashtirish, meliorativ kholatni yaxshilash va yer osti suv sathini kamaytirish, mukhandislik-kommunikatsiya va ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish dasturini ishlab chiqish tugrisida” [On the development of a program to further improve the drainage system, improve the reclamation state and lower the level of groundwater, develop the engineer-communication and social infrastructure of the city of Gulistan for 2015-2019]. Tashkent. 2015. (in Uzbek)
19	Д.Аллаёров, А.Фатхуллоев, Қ.Рахимов, М.Отахонов, М. Хамдамов. Гидравлик энг қулай канал элементлари ҳисоби. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги. Гувоҳнома № DGU 13170. 22.11.2021 й.	Allayorov, D., Fatxulloyev, A., Rakhimov, K., Otakhonov, M., Khamdamov, M. <i>Gidravlik eng qulay kanal elementlari hisobi</i> [Calculation of hydraulic elements of channel with the best hydraulic section]. Intellectual Property Agency of the Republic of Uzbekistan. Certificate № DGU 13170. 22.11.2021 y.
20	Фатхуллоев А.М. Тупроқ ўзанли сугориш каналларида оқим ҳаракати динамикаси: Тех. фан. док. дис. автореф. – Тошкент: ТИҚХММИ, 20018. –37 б.	Fatxulloyev A.M. <i>Tuproq uzanli sugorish kanallarida okim kharakati dinamikasi</i> . Tex. fan. dok. diss. avtoref. [Dynamics of flow in irrigation channels of the earth channel: technique. subject, title. dissertation, abstract.]. Tashkent, TIAME, 2002. 37 p. (in Uzbek)

УЎТ: 532.543.001.24:626.86

СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҚЎЛЛАНИЛГАН МАЙДОНЛАРДА КОЛЛЕКТОР-ДРЕНАЖ ТИЗИМЛАРИГА БЎЛАДИГАН ЮКЛАМАНИ БАҲОЛАШ

*А.Фатхуллоев – т.ф.д., профессор, Д.Абдураимова – PhD, доцент, М.Отахонов – PhD, доцент, Д.Аллаёров – докторант,
“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети*

Аннотация

Суғориладиган майдонлардаги коллектор-дренаж тизимларини лойиҳалашда суғориш ва шўр ювиш жараёнидан ҳосил бўладиган юкломани баҳолаш керак. Мақолада томчилатиб суғориш тизимлари қўлланилган майдонлардаги коллектор-дренаж юкломаси тадқиқоти натижалари келтирилган. Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги “Fergana global textile” кластери томчилатиб суғориш тизимлари қўлланилган 241 га майдонида олиб борилган тадқиқотлар натижалари ёритилган, тажриба далалари 2 қисмга К-1, К-2 ажратиб олинган. Тажриба даласининг тупроқ тури, суғориш режими таъсирида коллектор-дренаж тизимларига бўладиган юклама микдори баҳоланган. Мавсумий суғориш меъёри 3220 м³/га бўлганда ер ости сувлари сатҳининг ўзгариши натижалари келтирилган. Олиб борилган тадқиқотларга кўра томчилатиб суғориш тизимлари қўлланилган майдонларда, суғориш натижасида намланиш чуқурлиги 1 метрдан ошмаслиги ва ер ости сувларига қўшилмаслиги маълум бўлди.

Таянч сўзлар: томчилатиб суғориш, коллектор, дренаж, юклама, суғориш режими, суғориш меъёри, сизот сувлари, булғаниш.

ОЦЕНКА НАГРУЗКИ НА КОЛЛЕКТОРНО-ДРЕНАЖНЫЕ СИСТЕМЫ В РАЙОНАХ ПРИМЕНЕНИЯ ВОДОСБЕРЕГАЮЩИХ ТЕХНОЛОГИЙ

*А.Фатхуллоев – д.т.н., профессор, Д.Абдураимова – PhD, доцент, М.Отахонов – PhD, доцент, Д.Аллаёров – докторант,
Национальный исследовательский университет «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»*

Аннотация

При проектировании коллекторно-дренажных систем на орошаемых территориях необходимо оценить нагрузку, создаваемую процессом орошения и промывки земель. В статье представлены результаты исследований коллекторно-дренажной нагрузки на территориях, где применяются системы капельного орошения. Освещены результаты исследований, проведенных на площади 241 га, где применялись системы капельного орошения кластером «Фергана глобал текстиль» в Коштепинском районе Ферганской области. Опытные поля разделены на 2 части: К-1, К-2. Оценена величина нагрузки на коллекторно-дренажные системы в зависимости от типа почв опытного поля, режима орошения. Норма поливов входят в режим орошения. Показаны результаты изменения уровня грунтовых вод, при сезонной норме орошения 3220 м³/га. Проведенными исследованиями установлено, что на участках, где применялась система капельного орошения, глубина увлажнения не превышала 1 метра и уровень подземных не был достигнут.

Ключевые слова: капельное орошение, коллектор, дренаж, нагрузка, режим орошения, поливная норма, фильтративные воды, испарение.

ASSESSMENT OF THE LOAD ON THE COLLECTOR-DRAINAGE SYSTEM IN AREAS WHERE WATER-SAVING TECHNOLOGIES ARE APPLIED

*A.Fatxulloev – DSc., professor, D.Abduraimova - PhD., dotsent, M.Otakhonov – PhD., dotsent, D.Allayorov – doctorate,
“Tashkent institute of irrigation and agricultural mechanization engineers” National research university*

Abstract.

When designing collector-drainage systems in irrigated areas, it is necessary to assess the load created by the process of irrigation and land leaching. The article presents the results of studies of the collector-drainage load in areas where drip irrigation systems are used. The results of studies conducted on an area of 241 hectares, where drip irrigation systems were used by the Fergana Global Textile cluster in the Koshtepa district of the Fergana region, are highlighted. Experimental fields are divided into 2 parts: K-1, K-2. The magnitude of the load on the collector-drainage systems was estimated depending on the type of soil of the experimental field, the irrigation regime. The irrigation rate enters the irrigation mode. The results of changes in the level of groundwater are shown, with a seasonal irrigation rate of 3220 m³/ha. The conducted studies have established that in the areas where the drip irrigation system was used, the depth of moisture did not exceed 1 meter and the level of the underground was not reached.

Key words: drip irrigation, collector, drainage, load, irrigation mode, irrigation rate, seepage water, evaporation.



Кириш. Юртимизда коллектор-дренаж тизимларининг умумий узунлиги 140 минг км. дан ортиқ бўлиб, доимий равишда назорат қилиниб, тозалаш ва таъмирлаш ишлари кенг қўламда амалга ошириб борилмоқда [1]. Ортиқча намиққан майдондан шўрлашган сизот сувларни олиб чиқиб кетиш учун зовурлар тизими яратиш керак. Зовурлар тизими тупроқ таркибидаги ортиқча намликни оқова ҳолатига келтириш ва экин майдонларидан йироқлаштириш вазифасини бажаради [2]. Натижада экин майдонларида, ер ости сизот сувлари сатҳи меъёрий сатҳларда ушлаб туришга эришилади [3, 4]. Чунки тупроқнинг нам сифими, ҳавога тўйиниши ва шўрланиши сизот сувларининг сатҳига боғлиқдир [5]. Сизот сувларнинг тўпланиши ва чиқиб кета олмаслиги тупроқнинг шўрланишига ва ботқоқланишига олиб келади [6]. Шўрланган ва ботқоқланган ерларда қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштириш мураккаблашиб боради. Натижада бундай ерлар ташландиқ ерларга айланиб боради. Мелиоратив тадбирлар амалга ошириш натижасида сизот сувлари режими яхшиланиб, ер шўрсизланади ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ортиб боради [7, 8].

Ҳозирда республикаимиз суғориладиган экин майдонларида сувни тежаш, юқори ҳосилдорликка эришиш мақсадида, томчилатиб суғориш технологиясини қўллаш бўйича бир қатор давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётда кенг қўлланилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сонли фармонида мувофиқ тасдиқланган “Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепцияси”да қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилишни янада кенгайтириш ва давлат томонидан рағбатлантириб бориш, ушбу соҳага хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш, сув тежовчи суғориш технологияларини лойиҳалаш, жорий этиш ва қўллаш бўйича услубий тавсияларни, шунингдек, улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Концепцияда замонавий сув тежовчи суғориш технологиялардан фойдаланиш қўламини кенгайтириш йўналишида қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш 175 минг га. дан 2025 йилгача 1 миллион га. га, 2030 йилга бориб 2 млн. гектаргача, шу жумладан, томчилатиб суғориш технологияси 77,4 мингдан 2025 йилгача 300 минг га. гача ва 2030 йилга бориб 600 минг гектаргача етказилиши белгиланган [2].

Сув тежовчи технологияларнинг қўлланилиши суғориладиган майдонлардаги коллектор дренаж тизимларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Сув тежовчи суғориш технологиялари ёрдамида суғориш натижасида тупроқнинг маълум бир қатлами намлантирилади [9, 10].

Суғориш сувининг ер ости сизот сувларига қўшилиши жараёни содир бўлмайди. Ер ости сизот сувларига суғоришдан ҳосил бўлган сувларнинг қўшилмаслиги, коллектор дренаж юкламасининг ўзгаришига олиб келади. Суғориладиган майдонларда сув тежовчи технологиялар қўламининг ортиб бориши баробарида коллектор-дренажларга бўладиган юкламани тадқиқ этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили. Маълумки бутун жаҳон миқёсида ирригация ва мелиорация, қишлоқ хўжалиги ва турли соҳаларда зах қочириш тизимларидан кенг миқёсда фойдаланилади. Турли даврларда А.Н.Костяков, С.Ф.Аверьянов, А.П.Вавилов, Л.П.Розов, В.Д.Журин, В.А.Ковда,

В.С.Мальгин, Н.А.Беседнов, Н.Ф.Беспалов, Қ.Мирзажанов, Ҳ.А.Аҳмедов, Ф.Рахимбоев каби олимлар томонидан коллектор-зовурларни лойиҳалаш ва қуриш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган [11, 12].

Суғориладиган майдонларда суғориш ва коллектор-дренажлар орасидаги боғланишлар бўйича В.А.Духовный, Х.И.Якубов, П.Д.Умаровлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган [13, 14].

Олиб борилган тадқиқотларда ер устидан эгатлаб суғориш натижасида коллектор дренажларга бўладиган юкламани аниқлаш масаласи ўрганилган [15, 16].

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коллектор-дренаж сувлари билан суғоришнинг ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсирини баҳолаш, биомелиоратив тадбирлан қўллаб шўр ювиш меъёрини тежаш бўйича олимлар томонидан изланишлар, тадқиқотлар олиб борилган ва бир қатор илмий янгилекларга эришилган [17, 18].

Масаланинг қўйилиши. Маълумки, зах қочириш тизимларини асослаш ҳамда лойиҳалашда олимлар томонидан ишлаб чиқилган илмий ишланмалар ва тавсияларга таянилади. Ишлаб чиқилган илмий ишланма ва тавсиялар ер устидан эгатлаб суғориш усулига асосланган. Аммо ҳозирги кунда республикаимизнинг суғориладиган майдонларида, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида сув тежамкор суғориш технологияларининг зах қочириш тизимларига таъсири мавҳумлигича қолмоқда. Сув тежамкор технологиялар қўлланилган майдонларда зах қочириш тизимларига бўладиган юклама, ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ўзгариши анъанавий суғориш усулидан фарқ қилади.

Мамлакатимизда коллектор-дренаж тизимларига бўладиган юклама миқдорини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосан ер устидан эгатлаб суғориш тизимларида олиб борилган [19]. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иқтисод қилиш ва юқори ҳосилдорликка эришиш мақсадида, суғориладиган майдонларга сув тежамкор технологиялар кенг миқёсда жорий этилмоқда [20].

Бу эса ўз навбатида ер ости сувларига, ерларнинг мелиоратив ҳолатига ва коллектор-дренажларга бўладиган юклага ўз таъсирини кўрсатади. Сув тежовчи технологиялар жорий қилинган суғориладиган майдонларда тупроқ шароити ва суғориш меъёрини инobatта олган ҳолда мавжуд коллектор-дренаж тармоқларига бўладиган юклама миқдорини аниқлаш, гидравлик жараёнларни тадқиқ этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ечиш усули. Сув тежовчи технологиялар қўлланилган майдонларда коллектор-дренаж тизимларига бўладиган юкламани ўрганиш мақсадида тадқиқотлар Фарғона вилоятининг Қўштепа туманида жойлашган “Fergana global textile” кластери экин майдонларида олиб борилди. Тадқиқот объекти тупроқларининг механик таркибини аниқлаш мақсадида ҳар бир даладан намуналар конверт усулида олинди. Олинган намуналар “Тупроқ таркиби ва репоритозийси, сифати таҳлил маркази” давлат унитар корхонаси лабораториясида Н.А.Качинский услуби бўйича таҳлил этилди. Ер ости сизот сувлари сатҳининг ўзгариши кузатув қудуқлари орқали ўлчаб борилди. Дала шароитида олинган натижалар таҳлил этилди ва сув тежовчи технологиялар қўлланилган майдонларда коллектор-дренаж тизимларига бўладиган юклама баҳоланди.

Натижалар таҳлили ва мисоллар. Тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган “Fergana global textile” кластерининг умумий майдони 2000 га. дан ортиқ майдонни ташкил этиб, шундан 241 га майдонга томчилатиб суғо-

риш тизими жорий этилган. Тупроқ тури турлича тақсимланган бўлиб қум, енгил қумоқ, ўрта қумоқ ва оғир қумоқ тупроқлардан ташкил топган. Куз, қиш ва баҳор мавсумида ер ости сизот сувларининг сатҳи ер сатҳига нисбатан 0,5–1,0 м оралиғида, ёзда 1,5–2,5 м. ни ташкил этади.

Томчилатиб суғориш тизимлари ғўза учун қўлланилди. Экин майдонларига чигит 2021 йилнинг апрель ойида экилди. Томчилатиб суғориш тизимларини ўрнатиш ишлари май ойида якунланди. 6 июнда суғориш ишлари бошланди. Биринчи суғориш меъёри 160 м³/га. ни ташкил этди. Суғоришда ер ости босимли сувларидан фойдаланилди. Насослар ёрдамида кўтариб тиндириш ховузига қўйилди ва насослар ёрдамида томчилатиб суғориш тизимига узатилди. Тадқиқотлар давомида “Fergana global textile” кластерининг томчилатиб суғориш технологиялари қўлланилган майдонларида зах қочириш (коллектор-дренаж) тармоқларининг узунлиги ва мавжуд ҳолати таҳлил этилди. Олиб борилган тадқиқотлар ва изланишлар натижаларига кўра, тажриба даласидаги зах қочириш тармоқларининг умумий узунлиги 10230 м бўлиб, шундан коллекторлар 3950 м, дренажлар 6280 м. ни ташкил этади. Экин майдонлари зах қочириш тизимларининг шаклланишига кўра икки қисмга ажратилган бўлиб, хўжаликлараро коллектор К-1 ва К-2 тизимларидан иборат. Биринчи тизим хўжаликлараро К-1 коллекторига К-1-д-1, К-1-д-2, К-1-д-3 дренажларида ҳосил бўлган ер ости сувлари келиб қўйилади. Иккинчи тизим хўжаликлараро К-2 коллекторига К-2-д-1, К-2-д-2, К-2-д-3, К-2-д-4, К-2-д-5, К-2-д-6, К-2-д-7, К-2-д-8, К-2-д-9 дренажларида ҳосил бўлган сув оқими келиб қўйилади. Коллектор дренаж тармоқларининг техник ҳолати бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра 80% қониқарли ҳолатда эканлиги аниқланди. К-1 ва К-2 коллекторига кластер томонидан тозалаш ишлари олиб борилган.

Тажриба даласига пахта ўсимлиги экилган бўлиб, эгатлар орасидаги масофа 60 см. ни ташкил этади. Ўқариқ вазифасини бажарувчи қувурлар ер остига 0,7–1,0 м чуқурликда қўйилган. Томчилатиб суғоришда қўлланилган қувурлардаги сув сарфини ўтказиш имкониятлари инобатга олиниб эгат узунлиги 100–120 м атрофида қўлланилган. Суғориш ишлари июннинг 6-санасида бошланиб, август ойининг 20-санасида якунланди.

Тадқиқотнинг дастлабки босқичида К-1 ва К-2 коллекторлари хизмат қиладиган экин майдонлари тупроғининг механик таркиби ўрганиб чиқилди. Лаборатория таҳлиллари натижасига кўра К-1 коллектори хизмат қиладиган экин майдонларининг тупроғи асосан ўрта қумоқ тупроқлардан ташкил топганлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

1-тажриба далалари тупроғининг механик таркиби (К-1)

Қатлам, см	Фракция катталиклари, мм бўйича миқдори, %								Механик таркиб, Н.А.Качинский методи бўйича
	> 0,25	0,25-0,10	0,10-0,05	0,05-0,01	0,01-0,005	0,005-0,001	<0,001	0,01-0,001	
0-50	3,98	7,43	25,44	29,02	10,33	7,78	16,02	34,13	ўрта қумоқ
50-100	4,02	10,82	22,35	32,12	11,72	9,64	9,33	30,69	ўрта қумоқ
100-150	4,12	7,44	17,21	29,99	11,01	15,42	14,81	41,24	ўрта қумоқ

Лаборатория таҳлиллари натижасига кўра, К-2 коллектори хизмат қиладиган экин майдонларининг тупроғи ҳам асосан ўрта қумоқ тупроқлардан ташкил топганлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

2-тажриба далалари тупроғининг механик таркиби (К-2)

Қатлам, см	Фракция катталиклари, мм бўйича миқдори, %								Механик таркиб, Н.А.Качинский методи бўйича
	> 0,25	0,25-0,10	0,10-0,05	0,05-0,01	0,01-0,005	0,005-0,001	<0,001	0,01-0,001	
0-50	3,98	7,43	25,44	29,02	10,33	7,78	15,02	33,13	ўрта қумоқ
50-100	3,02	11,82	22,35	32,12	12,72	8,64	9,33	30,69	ўрта қумоқ
100-150	4,12	7,64	16,01	29,99	10,04	15,42	14,81	41,20	ўрта қумоқ

К-1 коллектор дренаж тизимлари хизмат қиладиган майдон 68,61 га. ни ташкил этади. Мазкур ҳудудда қурилган коллектор-дренаж тизимлари 8,61 га майдонни ташкил этиб, қарийб умумий майдоннинг 14 фоизига қурилган (3-жадвал).

3-жадвал

К-1 коллектор дренаж тизимларининг параметрлари

№	Тармоқ номи	Л, м дренаж узунлиги	Н _{др} , м дренаж ўртacha чуқурлиги	В _{др} , м дренаж сатҳи кенглиги,	В, м дренаж дахлсиз майдони кенглиги	Ω, га дренаж дахлсиз майдон
1	К-1	3950	3,5	17	29,7	6,72
2	К-1-д-1	495	2,8	11,4	23,4	0,56
3	К-1-д-2	512	2,9	12,6	24,2	0,65
4	К-1-д-3	518	3,2	13,2	26,2	0,68
	Жами					8,61

К-2 коллектор дренаж тизимлари хизмат қиладиган майдон 170,27 га. ни ташкил этиб, қурилган коллектор дренаж тизимлари 10,27 га майдонни ташкил этади. Умумий майдоннинг 6,5 фоизини ташкил этади (4-жадвал).

4-жадвал

К-2 коллектор дренаж тизимларининг параметрлари

№	Тармоқ номи	Л, м дренаж узунлиги	Н _{др} , м дренаж ўртacha чуқурлиги	В _{др} , м дренаж сатҳи кенглиги	В, м дренаж дахлсиз майдони кенглиги	Ω, га дренаж дахлсиз майдон
1	К-2	2000	3,6	21	32,5	6,50
2	К-2-9-1	513	2,8	11,4	23	1,18
3	К-2-9-2	504	2,9	12,6	24	1,21
4	К-2-9-3	516	3,2	13,2	26,2	1,35
5	К-2-9-4	512	2,7	10,5	24	1,23
6	К-2-9-5	525	2,5	11,2	22	1,16
7	К-2-9-6	518	2,9	9,12	21	1,09
8	К-2-9-7	522	2,3	8,56	19	0,99
9	К-2-9-8	565	2,45	8,2	17	0,96
10	К-2-9-9	580	2,15	8,18	19	1,10
	Жами					10,27

Суғориш мобайнида сув билан биргаликда минерал ўғитлар бериб борилди. Мавсум давомида, экин майдонларига, умумий ҳолат бўйича N₃₅₀P₁₇₅K₅₀ кг/га миқдордаги минерал ўғитлар берилди. Суғориш натижасида июнда 0,3 м. гача, июль ойида 0,51 м. гача, августда 0,39 м. гача тупроқ қатламлари намлантирилди (5-жадвал).

Суғоришлар ишлари 12 мартаба амалга оширилиб, мавсумий суғориш меъёри M=3220 м³/гани миқдорни ташкил этди. Суғориш меъёри ойида 200 м³/га. гача, июлда 360 м³/га. гача, август ойида 270 м³/га. гача бўлган миқдорларни ташкил этди (1-расм).

Тажриба даласида коллектор дренаж тизими юкламасига суғориш ва сизот сувларининг таъсирини ўрганиш мақсадида кузатув ишлари олиб борилди. Кузатишлар натижасига кўра, томчилатиб суғориш технологияси қўлланилган К-1 коллектор дренаж тизимлари хизмат қиладиган майдонларда сизот сувларининг сатҳи (ССС) апрель ойида ер сатҳига нисбатан 0,5–1,2 май ойида 1,2–1,5 м,

июнда 1,5–2,0 м, июлда 2,0–3,0 м, август ойида 2,8–3,1 м, сентябрда 2,8–3,1 м, ораликда бўлиши аниқланди (6-жадвал).

5-жадвал

Тажриба даласида суғоришлар сони ва меъёри					
№	Суғоришлар сони	Суғориш мuddати	Суғориш меъёри, (м³/га)	Тупроқнинг намланиш қатлами, (м)	Мавсумий суғориш меъёри, (м³/га)
1	1	06.06-07.06	160	0,23	3220
2	1	14.06 -15.06	180	0,26	
3	1	26.06-27.06	200	0,29	
4	1	01.07-02.07.	240	0,34	
5	1	07.07-08.07	300	0,43	
6	1	11.07-12.07	340	0,49	
7	1	16.07-17.07	350	0,50	
8	1	22.07-23.07	360	0,51	
9	1	27.07-28.07	300	0,43	
10	1	01.08-02.08	270	0,39	
11	1	11.08-12.08	260	0,37	
12	1	19.08-20.08	260	0,37	
Жами	12		3220		




1-расм. Тажриба даласида суғоришлар сони ва меъёри
6-жадвал

1-тажриба даласида сизот сувлари сатҳининг ўзгариши (К-1 дренаж тизими)

№	Сана	Сизот сувлари сатҳи, 2021 йил, м	Сизот сувлари сатҳи, 2020 йил, м	Сизот сувлари сатҳи, 2019 йил, м
1	15.04.2021	1,2	1,1	1,2
2	15.05.2021	1,2	1,4	1,5
3	15.06.2021	2,0	1,8	2,0
4	15.07.2021	2,8	2,3	2,5
5	15.08.2021	3,1	2,5	2,8
6	15.09.2021	3,1	2,3	2,5
7	15.10.2021	3,1	1,8	2,0

Кузатув натижаларига кўра, К-1 коллектор тизими хизмат қиладиган майдонининг ер ости сизот сувлари сатҳининг ўзгариш динамикаси таҳлил этилди. Олинган натижалар 2019 ва 2020 йилларда, вегетация даврида ер ости сизот сувларининг ўзгариши билан солиштирилди ва статистик таҳлил этилди. Таҳлил натижаларига кўра, 2019 йил август ойида ер ости сизот сувлари 2,8 м. гача пасайган ва яна октябрь ойида кўтарилган. 2020 йилда ҳам шу каби ҳолат такрорланган: август ойида 2,5 м. гача пасайган ва яна октябрь ойида кўтарилган. 2021 йил томчилатиб суғориш технологиялари қўлланилиши натижа-сида, ер ости сизот сувлари сатҳи 3,1 м. га пасайиши ва бу

ҳолат октябрь ойигача давом этиши кузатилди (2-расм).



2-расм. Кузатув қудуғи бўйича СССР (1-кузатув қудуғи)


Кузатув ишлари натижаларига кўра, томчилатиб суғориш технологияси қўлланилган К-2 коллектор дренаж тизимлари хизмат қиладиган майдонларда сизот сувларинг сатҳи апрель ойида ер сатҳига нисбатан 0,5–1,0 май ойида 1,0–1,5 м, июнда 1,5–2,0 м, июлда 2,0–2,5 м, август да 2,5–2,8 м, сентябрь ойида 2,6–2,8 м ораликда бўлиши аниқланди (7-жадвал).

7-жадвал

2-тажриба даласида сизот сувлари сатҳининг ўзгариши (К-2 дренаж тизими)

№	Сана	ССС, м 2021 йил	ССС, м 2019 йил	ССС, м 2020 йил
1	15.04.2021	1,1	1,2	1,0
2	15.05.2021	1,1	1,4	1,2
3	15.06.2021	1,8	1,9	1,6
4	15.07.2021	2,5	2,4	2,1
5	15.08.2021	2,8	2,6	2,3
6	15.09.2021	2,8	2,4	2,1
7	15.10.2021	2,8	1,9	1,6

Кузатув натижаларига кўра, К-1 коллектор тизими хизмат қиладиган майдонининг ер ости сизот сувлари сатҳининг ўзгариш динамикаси таҳлил этилди. Олинган натижалар 2019 ва 2020 йилларда, вегетация даврида ер ости сизот сувларининг ўзгариши билан солиштирилди ва статистик таҳлил этилди. Таҳлил натижаларига кўра 2019 йил август ойида ер ости сизот сувлари 2,8 м. гача пасайган ва яна октябрь ойида кўтарилган. 2020 йилда ҳам шу каби ҳолат кузатилган. Август ойида 2,5 м. гача пасайган ва яна октябрь ойида кўтарилган. 2021 йил томчилатиб суғориш технологиялари қўлланилиши натижа-сида, ер ости сизот сувлари сатҳи 2,8 м. га пасайиши ва бу ҳолат октябрь ойигача давом этиши кузатилди (3-расм).



3-расм. Кузатув қудуғи бўйича СССР (2-кузатув қудуғи)

К-2 коллекторининг айрим қисмларида тозалаш ишлари олиб борилмаганлиги, димланишнинг юзага келиши, ер ости сизот сувларига ўз таъсирини кўрсатди. Июль-август ойларида мазкур ҳудуддаги сизот сувлари сатҳи ер сатҳига нисбатан ўртача 2,8 м. гача тушганлиги аниқланди.

Хулоса. Олиб борилган тадқиқотлар ва таҳлиллар натижасига кўра, дренаж тизимларида июнь ойининг 15-санасидан сўнг экин майдонларидан сизиб келадиган сув сарфи юзага келмади. Суғориш натижасида ҳосил бўладиган тупроқ намлиги максимал 0,5–0,7 м чуқурликда бўлиб, ер ости сизот сувларига қўшилиши аниқланмади. Натижада ер ости сизот сувларининг пасайиши кузатилди. Фақатгина коллекторларда бошқа экин майдонларидан кириб келаётган транзит сув сарфи кузатилди.

Табиий дала шароитида олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, сув тежамкор суғориш технологияла-

ридан бири бўлган томчилатиб суғориш усулида суғориш ишлари олиб борилганда, суғориш суви тупроқ фаол қатламнинг маълум чуқурликлари (0,1–0,7 м) гача етиб борди. Суғориш суви ер ости сизот сувларига қўшилиши юзага келмайди. Натижада томчилатиб суғориш усули қўлланилган майдонларда, суғориш суви дренаж юкламаси таъсир кўрсатмайди. Фақатгина ер ости сувларидан дренаж юкламаси ҳосил бўлади. Дренаж билан яхши таъминланган майдонларда йиллар давомида ер ости сизот сувлари сатҳи сезиларли даражада тушиб боради.

Томчилатиб суғориш усули қўлланилган майдонларда ер ости сизот сувларини май ойидан бошлаб 2,0–2,5 м. дан пастроқда ушлаб туриш зарур бўлади. Акс ҳолда ер ости сизот сувларининг буғланиши натижасида тупроқдаги тузлар, унинг унумдор, ўсимлик илдиизи ривожланадиган фаол қатламга кўтарилиб, иккиламчи шўрланишга олиб келади, мелиоратив ҳолати ёмонлашади.

№	Адабиётлар	References
1	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 18 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742 сонли Фармони. – Тошкент, 2019.	Decree of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev, No. PF-5742, dated July 18, 2019, "Qishloq xo'jaligida yer va suv resurslaridan samarali foydalanish chora-tadbirlari to'g'risida" [On measures for the effective use of land and water resources in agriculture]. Tashkent. 2019. (in Uzbek)
2	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024 сонли Фармони. – Тошкент, 2020.	Decree of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev, No. PF-6024, dated July 10, 2020, "O'zbekiston Respublikasi suv xo'jaligini rivojlantirishning 2020 – 2030 yillarga mo'ljallangan kontseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida" [On the approval of the concept of the development of the water economy of the Republic of Uzbekistan for 2020-2030]. Tashkent. 2020. (in Uzbek)
3	Arifjanov A.M., Otaxonov M.Y., Samiyev L. N., Akmalov Sh.B. Hydraulic calculation of horizontal drainages. Construction the formation of living environment// E3S Web of Conferences. - Tashkent, 2019. – pp. 735-745.	Arifjanov A.M., Otaxonov M.Y., Samiyev L. N., Akmalov Sh.B. Hydraulic calculation of horizontal drainages. Construction the formation of living environment. E3S Web of Conferences. Tashkent, 2019. pp. 735-745.
4	Абдураимова Д.А., Отахонов М.Ю. Очқик зовурларда сув ҳаракатининг математик моделига доир // "Ирригация ва мелиорация" журналы. – Тошкент, 2019. – № 4. – Б. 31-34.	Abduraimova D., Otakhanov M. Ochik zovurlarda suv harakatining mathematic modeliga doir [On the mathematical model of water movement in open drainage]. Irrigatsiya va Melioratsiya. Tashkent, 2019. no.4. pp. 31-34. (in Uzbek)
5	Рамазанов А., Вафоев С. О техническом состоянии существующих типов и мощности дренажа на орошаемых землях // "Ирригация ва мелиорация" журналы. – Тошкент, 2019. – № 2(15). – Б. 8-9.	Ramazanov A., Vafoyev S. O tekhnicheskoy sostoyanii sushestvuyushikh tipov i moshnost drenazha na oroshayemikh zemlyakh [Technical condition of existing types and power of the drainage system on irrigated lands]. Irrigatsiya va Melioratsiya. Tashkent, 2019. no.2(15). pp 8-9. (in Russian)
6	Хамидов М., Жўраев У., Жўраев А. Коллектор зовур сувлари билан суғоришнинг ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсири // "Агро илм" журналы. – Тошкент, 2019. – №3. – Б. 74-75.	Khamidov M., Joraev U., Joraev A. Kollektor zovur suvlari bilan sugorishning yerlarning meliorativ holatiga tasiri [The effect of irrigation with collector ditch water on land reclamation]. Agro ilm. Tashkent, 2019. no.3. pp. 74-75. (in Uzbek)
7	Рамазанов А., Насонов В. Совершенствование дренажа-залог повышения производительной способности засоленных почв // Пути повышения эффективности орошаемого земледелия. – Новочеркасск, 2015. – № 2. – С. 153-152.	Ramazanov A., Nasonov V. Sovershenstvovanie drenaja-zalog povysheniya proizvoditelnoy sposobnosti zasolennykh pochv [Improving drainage is the key to increasing the productive capacity of saline soils]. Puti povysheniya effektivnosti oroshaemo zemledeliya. Novocherkask, 2015. no.2. pp. 153-157. (in Russian)
8	Fatxulloyev A, Abduraimova D, Otakhonov M, Atakulov D, Samiev L. Method designing of open drainages// In IOP Conference Series: Materials Science and Engineering. - Tashkent, 2020. – pp. 120-129.	Fatxulloyev A, Abduraimova D, Otakhonov M, Atakulov D, Samiev L. Method designing of open drainages. In IOP Conference Series: Materials Science and Engineering. Tashkent, 2020. pp. 120-129.
9	Рамазанов А. О глубине дренажа на засоленных землях // Ж.: "Ирригация ва мелиорация". – Ташкент, 2018. – №1. – С. 5-8.	Ramazanov A. O glubine drenaja na zasolennykh zemlyax [On the depth of drainage in saline lands]. Irrigatsiya va Melioratsiya. Tashkent, 2018. no.1.pp. 5-8. (in Russian)
10	Otakhonov M., Allayorov D.S, Axmedov I. Justification of hydraulic parameters in the design of open drainage// Journal of Sustainable Agriculture. - Tashkent, 2019. - №4. – pp. 14-19.	Otakhonov M., Allayorov D.S, Axmedov I. Justification of hydraulic parameters in the design of open drainage. Journal of Sustainable Agriculture. Tashkent, 2019. no.4. pp. 14-19.

11	Abduraimova D, Ibragimova Z, Otakhonov M and Khusanova D. Deformation processes in open drainages// E3S Web of Conferences. – Tashkent, 2021. – Vol.264. - 8 p.	Abduraimova D, Ibragimova Z, Otakhonov M and Khusanova D. Deformation processes in open drainages. E3S Web of Conferences. Tashkent, 2021. Vol.264. 8 p.
12	Хамидов М. Х., Муратов А. Р., Аллаберганов Н. О государственной поддержке развития мелиорации в Узбекистане // Ж.: "Ирригация ва мелиорация". – Ташкент, 2017. – № 4. – С. 78-80.	Xamidov M. X., Muratov A. R., Alalaberganov N. <i>O gosudarstvennoy podderjke razvitiya melioratsii v Uzbekistane</i> [About state support for the development of melioration in Uzbekistan]. Irrigatsiya va melioratsiya. Toshkent, 2017. no.1. pp. 78-80. (in Russian)
13	Abduraimova D, Otakhonov M and Babajanov F. Methods for determining water flow from rice field to open drainage system// E3S Web of Conferences. – Tashkent, 2021. – Vol.264. - 7 p.	Abduraimova D, Otakhonov M and Babajanov F. Methods for determining water flow from rice field to open drainage system. E3S Web of Conferences. Tashkent, 2021. Vol.264. 7 p.
14	Норкулов У., Ахмурзаев Ш.И. Мелиоративная эффективность двухъярусного закрытого дренажа на сильнозасоленных и солончаковых гипсоносных почв // Актуальные проблемы современной науки. – Москва, 2018. – №.6. – С. 144-145.	Norkulov U., Axmurzaev Sh.I. <i>Meliorativnaya effektivnost dvuxyarusnogo zakryitogo drenaja na silnozasoennyx i solonchakovyix gipsonosnyx pochv</i> [Ameliorative efficiency of two-tier closed drainage on highly saline and solonchak gypsum-bearing soils]. Aktualniye problemiy sovremennoy nauki. Moscow, 2018. no.6. pp. 144-145. (in Russian)
15	Духовный В. А. Совершенствование дренажных систем и их эксплуатации // Гидротехника и мелиорация. – Москва, 1985. – № 11. – С. 39-43.	Duxovniy V.A. <i>Sovershenstvovanie drenajnyx sistem i ix ekspluatatsii</i> [Improving drainage systems and their operation]. Gidrotexnika i melioratsiya. Moscow, 1985. no.11. pp. 39-43. (in Russian)
16	Гаджиев А.Г., Рустамов Я.И. Оценка надёжности коллекторно-дренажной сети по интенсивности отвода грунтовых вод // Мелиорация и водное хозяйство. – Москва, 2013. – №2. – С. 26-28.	Gadjiev A.G., Rustamov Y.I. <i>Otsenka nadyojnosti kollektorno-drenajnoj seti po intensivnosti otvoda gruntovyix vod</i> [Assessment of the reliability of the collector-drainage network according to the intensity of groundwater drainage]. Melioratsiya i vodnoe xozyaystvo. Moscow, 2013. no.2. pp. 26-28. (in Russian)
17	Аверьянов С.Ф., Голованов А.И., Никольский Ю.Н. Расчет водного режима мелиорируемых земель // Гидротехника и мелиорация. – Москва, 1974. – №3. – С. 34-36.	Averyanov S.F., Golovanov A.I., Nikol'skiy Y.N. <i>Raschet vodnogo rejima melioriruemyx zemel</i> [Calculation of the water regime of reclaimed lands]. Gidrotexnika i melioratsiya. Moscow, 1974. no.3. pp. 34-36. (in Russian)
18	Уринбаев С., Бараев Ф.А. Смягчение дефицита водных ресурсов с привлечением для орошения коллекторно-дренажных вод в Республике Узбекистан// Пути повышения эффективности орошаемого земледелия. – Новочеркасск, 2015. – № 4. – С. 98-104.	Urinbaev S., Baraev F.A. <i>Smyagchenie defitsita vodnyx resursov s privlecheniem dlya orosheniya kollektorno-drenajnyx vod v Respublike Uzbekistan</i> [Mitigation of the shortage of water resources with the involvement of collector-drainage waters for irrigation in the Republic of Uzbekistan]. Puti povysheniya effektivnosti oroshaemo zemledeliya. Novocherkask, 2015. no.4. pp. 98-104. (in Russian)
19	Сангирова У. Р. Ирригация и мелиорация в развитии сельского хозяйства в Узбекистане // Вестник науки и образования. – Иваново, 2019. – №3-2(57). – С. 19-21.	Sangirova U.R. <i>Irrigatsiya i melioratsiya v razvitii selskogo xozyaystva v Uzbekistane</i> [Irrigation and melioration in the development of agriculture in Uzbekistan]. Vestnik nauki i obrazovaniya. Ivanovo, 2019. no.3-2(57). pp. 19-21. (in Russian)
